

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

Каримов Фурқатжон Қахрамон Ўғлининг

**5220100 – филология таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

Омон Мухтор – Романнавис
мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар: ф.ф.н. О. ФАЙЗУЛЛАЕВА

Гулистон – 2014

РЕЖА:

КИРИШ

I БОБ. Омон Мухтор романларида ғоявийлик ва мавзулар ранг-баранглиги

1.1. “Майдон ” романида ғоявийлик ва роман бадиияти

1.2. “Хотин подшоҳ ” романида бош ва қўшимча мавзулар

II БОБ. Ёзувчи романларида образлилик

2.1. “Минг бир қиёфа” романида бош қаҳрамон масаласи

2.2. Романдаги персонажлар индивидуаллиги

III БОБ. Омон Мухтор романларида услуб масаласи

3.1. “Муҳаббат ўлимдан кучли” романида услуб

3.2. Ёзувчи романларида индивидуаллик масаласи

ХУЛОСА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”,-дейди юртбошимиз И.А.Каримов.¹ Дарҳақиқат, ортда қолган XX аср дунё аҳли учун ўзгаришлар, янгиланишларга бой аср бўлди. Илм-фан, техника соҳаларида қилинган кашфиётлар инсоният тарихида улкан ютуқларга, воқеаларга сабаб бўлди. Бу ўз навбатида жамиятдаги ҳаётга кишилар онги ва дунёқарашининг ўзгаришига, эврилишига сабаб бўлди. Борлиққа ўзгача нигоҳ билан қараш аломатлари адабиётда ҳам сезила бошлади.

Икки аср туташган техника асрида ўзига хос бадиий ижод услуби – модернизм юзага келди.

Модерн адабиёти XX асрда юзага келди. Бунга Ғарбдаги ҳаёт тарзи ва фикрлашнинг ўзгачалиги сабаб бўлди. Чунки бу даврда Европада илм-фан, техника, саноат, иқтисод тез ривожланди, ишлаб чиқариш унумдорлиги ортди, одамларнинг бойиш имконияти туғилди. Инсонларда аввалги даврларга қараганда камроқ қийналиб, кўпроқ самарага эришиш ва яхши яшаш имконияти пайдо бўлди. Лекин бу ҳодисалар алоҳида инсонни ҳам бутун инсоният оламини ҳам ўзи орзу қилган бахтга эриштира олмади. Чунки инсон ақли кучи нафақат ўзининг яхши яшашига, балки ўзининг бахтсизлигига ҳам сабаб бўлди. Тарихдан маълумки, инсон ақл-у заковати орқали оммавий қирғин қуролларининг яратилиши минглаб инсонларнинг ёстиғини қуритди. Бу ҳодисалар бахт, тараққиёт, илм-фан ривожига деб ўйлаган инсонларнинг умидини пучга чиқарди. Натижада адабиётда ҳаётга ишончсизлик, эзгуликка умид қилмаслик, инсон, ҳаёт, умр буларнинг бари

¹ И.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч”.-Ўзбекистон,-Т.:2008,19-бет

беъмани ва самарасиздир деган қараш пайдо бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, биз кўп тилга оладиган модерн (французча янги, замонавий) адабиёт вужудга келди.

Бу адабиёт вакиллари ҳаётни кўпроқ қора рангда кўрдилар, тасвирладилар.

Натижада аввалгиларга ўхшамаган, ўхшамайдиган қаҳрамонлар пайдо бўлди, адабиёт “уй дафтарида”.

Модернизм бутун маданият тарихида тамомила янги услуб эканлиги аён бўлди. ”Модернизм”нинг кенг маънодаги тушунчаси атрофида хилма-хил адабий мактаблар ва йўналишлар пайдо бўлди.

Модернизм – ўтган асрнинг етакчи ижодий ғояси сифатида ниҳоятда салоҳиятли, айти пайтда эса бир-бирини такрорламайдиган даҳолар ижодида яққол акс этган. Бу даҳолар орасида Матисс, Пикассо, Томасс Ман, Пруст, Жойс, Кафка, Лорка, Фолкнер ва бошқалар бор эди.

Ўзбек адабиётида ҳам А.Мухтор ижодидан бошланган модернизм Р.Парфи ижодида чўққига етди. Кейинги давр шеърлятида Турсун Али, Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад ижодида бу йўналиш ривожланиб бораётган бўлса, насрда О.Мухтор, Н.Эшонкул, Х.Дўстмухаммадларни ҳам алоҳида эътироф этмоқ зарур.

XX аср бошларида ўзбек адабиётида пайдо бўлган эпик жанр - роман бугунги кунгача, маълум даврларда турлича тараққий этиб келди. Мустақиллик қўлга киритилгач ўзбек адабиётида янги йўналишлар юзага келди.

Бу даврнинг ютуқ-камчиликляри адабиётшунос олимларнинг кўплаб мақолаларида батафсил ёритиб берилган. Истиқлолдан сўнг яратилган асарлардан роман жанрининг тараққий этиб бораётгани кўзга ташланади. Бу бевосита ижод аҳлига сўз эркинлиги, дунёни англаш, идрок этиш ва жаҳон адабиёти намуналяри билан чуқурроқ танишиш, ижодий тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий рух билан озиқлантириб, бадиий адабиётда жаҳон

насрига бўйлаша оладиган асарлар яратишга кенг имкониятлар очади. Натижада миллий адабиётимизда янгича усуллар қўлланила бошлади, тасвирга олинаётган воқелик ва шахсга муносабатнинг янгича кўринишлари бўй кўрсатди.

Бадий адабиётда воқеага эмас, балки асар қаҳрамонининг ички руҳиятига эътибор кучайди. Жиддий романларда ҳам хаёлий, бадий тафаккур маҳсули бўлган ҳодисалар, предметлар иштироки кузатила бошланди. Шунинг учун ҳам модерн адабиётда ҳаёт ҳақиқатига риоя қилиш муҳим ҳисобланмайди. Модерн ёзувчилар учун тасвирнинг ҳаётдагига, борлиқдагига ўхшаши эмас, балки одамнинг ички оламини, руҳий тўлғамларини акс эттириши муҳим саналади. Фалсафий мушоҳада, миллат тафаккуридаги ўзгаришлар, янгиланишлар Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясига кирган “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” ва адабиётшунослар, китобхонлар орасида эътирофга сазовор бўлган “Хотин подшоҳ” ва “Майдон ” романлари мисолида кузатишга ҳаракат қилдик.

Мустақиллик даври Омон Мухтор ижодида янги парвозлар қилишга туртки берди. Адибнинг ўзи бир неча романларининг, хусусан, “Хотин подшоҳ” асарининг айнан истиқлол даврида ижодкорларга берилган чўнг эркинлик меваси эканлигини эътироф этади.

Омон Мухтор модернистик йўналишда ижод қилувчи ўз сўзи, ўз услуби, ўз оҳангига эга ижодкор эди. Унинг фалсафий мушоҳадага ўчлиги, асрлар оҳанги, мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги, шаклдаги изланишлари, романларининг мавзу (ва деярли шакл) жиҳатдан бир-бирини такрорламаслиги, миллий ўзбекона руҳнинг бўй кўрсатиб туриши, насрий асарларида ҳам назмининг ўзига хос оҳанги, халқ оғзаки ижоди намуналарининг бетакрор қўлланилиши, сон жиҳатдан кўплиги, юрагингизга оғриқ берган “олисдан эшитилган нидо” (“Майдон ”) лари билан кишини ўйлантиради, одамлар дардини ҳис қилишга ёрдам беради.

Омон Мухторнинг ўзбек адабиётида энг сермахсул романнавис сифатида эътироф этилади. У ўндан ортиқ роман эълон қилган бўлса, уларда адибнинг ўзига хос услуби, шакл ранг-баранглиги, мавзу хилма-хиллиги, тилида халқона оҳанг, нафас эсиб туришини кўрамиз.

Унинг ҳар бир романи адабий жамоатчилик орасида турли баҳсларга сабаб бўлгани “Хотин подшоҳ”, “Майдон” ҳамда “Ишқ аҳли” романларининг ўзидаёқ яққол кўришимиз мумкин.

Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Омон Мухторнинг романнавислик маҳоратини унинг ушбу жанрда ёзилган асарлари орқали ўрганиш ушбу битирув малакавий ишнинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Омон Мухтор ижодига қизиқиш мустақиллик давридан сўнг эътибор кучайди. Ёзувчи ва ижодкор шоир сифатида танилгач, унинг асарларига турли мақолалар адабий суҳбатлар газета ва журналларда эълон қилинган.

М.Қўшжонов, Қ.Йўлдошев, А.Отабоев ва яна бир қанча адабиётшунослар ушбу сафда бор.

Ўтанова Сирдарё “Истиқлол даври романларида шаклий изланишлар масаласи” (О.Мухтор “Ишқ аҳли” романи мисолида) мавзусида магистрлик диссертациясини ёқлаган.²¹ Наргиза Тоирова “О.Мухтор ва О.Уайлд романларида иблис образи”³, Ўктам Назаров “Омон Мухтор романларида бадиий хронотопнинг ўзига хослиги”⁴, Шоира Дониёрова эса “Янги талқинлар”⁵ номли мақолаларида ёзувчи романларининг у ёки бу жиҳатини

^{1 1} Ў.Сирдарё. “Истиқлол даври романларида шаклий изланишлар масаласи”

² Н.Тоирова. “О.Мухтор ва О.Уайлд романларида иблис образи ”

³ Ў.Назаров. Омон Мухтор романларида бадиий хронотопнинг ўзига хослиги

⁴Ш.Дониёрова. “Ёшлик” 2011. 8-сон

ёритишга ҳаракат қилган. Лекин ёзувчининг барча романларининг бадиияти, унинг романнавислик маҳорати тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Бизнинг ушбу битирув малакавий ишимизда Омон Мухтор романлари ва ёзувчи маҳорати масаласига алоҳида урғу берилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.

Мазкур битирув-малакавий ишимиздан асосий мақсад ёзувчи Омон Мухторнинг романлари тадқиқи орқали асарлар бадиияти, ёзувчининг ўзига хос услуби, маҳорати, шаклий изланишлардаги ютуқлари ўрганилади.

Бунда қуйидаги вазифалар адо этилиши кўзда тутилган.

- О.Мухтор романларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали адибнинг романнавислик маҳорати масаласини тадқиқ қилиш;
- романларнинг бадиий хусусиятини аниқлаш;
- адиб романларида ўтмиш воқелиги ва тарихий шахслар талқини;
- модернистик романларда образлар оламининг турфалиги, бадиий тасвир воситаларининг ноанъанавий тарзда қўлланганлиги, фалсафий мушоҳаданинг кучлилигига эътибор қаратиш;
- асарлардаги бош қаҳрамон масаласини талқин қилиш;
- адиб ижодининг ўзига хос услубини ўрганиш;

Ишнинг амалий аҳамияти.

БМИнинг амалий аҳамияти шундаки, ушбу тадқиқот орқали адибнинг ўндан ортиқ романлари билан танишилди, унинг услуби, нотаниш кирраларидан хабардор бўлинди. Қолаверса, ушбу битирув малакавий ишидан келгусида муаллиф асарларининг янги ўрганлмаган томонларини тадқиқ етишда, БМИ ва рефератлар, илмий адабий мақола ва рисоалар, услубий мажмуа, маъруза матнлари тайёрлашда ҳамда Омон Мухтор ижоди билан қизикувчиларга қўшимча маълумот беришига, “ноанъанавий

роман”ларни ўрганишга иштиёқмандларга ижодкор ҳақидаги тасаввурларнинг бойишига имкон беради.

Бу ишнинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, мавзуни йирик монографик тадқиқот сифатида давом эттириб, яхши натижаларга эришишга ишонч билдириш мумкин.

Тадқиқотнинг объекти.

Битирув малакавий ишимизда Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” (2000) трилогияси таркибидаги “Минг бир қиёфа” (1988-1991), “Кўзгу олдидаги одам”(1980-1993), “Тепаликдаги хароба” (1987-1994), “Навоий ва рассом Абулхайр” (2006) дилогияси таркибига кирган “Ишқ аҳли” (1998-2000) ва “Буюк фаррош” (2001-2004), “Хотин подшоҳ”, “Майдон” “Муҳаббат ўлимдан кучли” (2011) романлари асосий объект қилиб белгиланди. Ёзувчининг романнавислик маҳоратини ёритишда образ ва тимсоллар, бадиий нутқ унсурларига таянилды.

Тадқиқотнинг методологик асоси.

Ушбу битирув малакавий ишида адабиётшунос олимларнинг бадиий маҳорат масаларига бағишланган асарларидан,ўзбек адабиётшунослари О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, У.Ўлжабоев, Д.Қуронов, Қ.Йўлдошев, Ш.Дониёрова, Н.Тоирова, Ў.Назаров ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари, илмий мақолаларида илгари сурилган фикрларга таянилды. Муаллиф билан ўтказилган адабий суҳбатлар, унинг шахсий мулоҳазалари ўрганилиб, якуний хулосага келинди.

Тадқиқотнинг тузилиши.

Мазкур БМИ кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Омон Мухтор романларида ғоявийлик ва мавзулар ранг-баранглиги

XX аср бошларида туғилган ўзбек романчилиги бугунги кунда нафақат миллий балки рус ва жаҳон классик романчилигининг ажойиб анъаналарини давом эттирган ҳолда инсон ҳаётининг янги-янги жабҳаларини қамраб олмоқда. Инсонга унинг ички руҳияти, ўй –фикри, орзулари тасвирига янгича усулда ёндашаётган, адабиётда ўз овози, ўз услубига эга сўзини айта олиш бахтига сазовор бўлган истеъдодли ижодкор Омон Мухтордир. Адибнинг сўнгги йилларда чоп этган катор романлари, умри давомида адабий мерос сифатида қолдирган ўн тўртта романи бизга ёзувчининг истеъдодли, сермахсул ижодкор сифатида танитади. Ёзувчи асарларида биз янги йўллар, шаклий изланишларни кўришимиз мумкин. Тасвирларда, характерлар моҳиятини очиб беришда адиб жаҳон адабиётининг бой услубий анъаналарини дадиллик билан миллий материалга сингдира олишини, нафақат жаҳон балки миллий анъаналаримизнинг фолклор намуналаридан ҳам фойдаланиши, услубий ва шаклий изланишлар, насрда ҳам назмни уйғунлаштира олиш санъатини кўришимиз мумкин. Омон Мухтор (Омонов Мухтор Сулаймонович) 1941 йил 16 июлда Бухоро шаҳрида туғилган. 1958 йил мактабни, 1964 йил Тошкент Давлат Университети журналистика бўлимини тугатган. Болалар газетаси, Ўзбекистон радиоси, Кино қўмитасида ишлаган. Адабиёт нашриётида муҳаррирлик қилган. 1983 йилдан “Шарқ юлдузи” журналида ишлаб келади. О. Мухторнинг “Ёғду” (1979), “Марварид” (1985), “Шиддат” (1990) ва бошқа шеър тўпламлари, таржима китоблари босилган. Бундан ташқари катталар ва болаларга мўлжалланган янги эртаклар, ҳаёлий манзаралардан иборат бир неча китоблари ҳам нашр етилган. Адиб қатор ҳикоялар ва қиссалар китоблари муаллифи, “Нигоҳ” (1968), “Қушлар ва тушлар” (1971), “Шаҳарлик келинчак” (1973), “Вазифа” (1988), “Ўлмаган жон” (1995)

сингарилар шулар жумласидан. Унинг қаҳрамонлари оддий касб-хунар кишилари. Шеърларида ҳам, ҳикоя ва қиссаларида ҳам ёзувчи бировга эргашмайди, ўзи топган аниқ фикр билан жонли манзара чизишга уринади. Айний, Фитрат, Ғафур Ғулом каби устозлардан сабоқ олгани сезилиб туради. О. Мухтор дастлаб “Йиллар шамоли” (1976) ва “Эгилган бош” (1989) деган икки роман эълон қилди. Бу романлар кейинчалик “Бухоролик бир йигит” (1998) ва “Ўлмаган жон” (1995) китобларида қайта нашр этилди. Ёзувчининг шундан сўнг “Тўрт томон қибла” трилогияси (“Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” романлари) (2000) босилди. У яна “Ффу”, “Аёллар мамлакати ва салтанати” (1997), “Афлотун” (1998), “Майдон” (“Шарқ юлдузи” журнали 2001 йил 1-сон) романларини ёзди.

Дастлабки икки романи маълум даражада анъанавий услубда бўлса, кейинги романлар ўз шакли ва йўналиши билан бутунлай янгичадир. Улар асосан, ўзбек халқ эртаклари, қиссалари, достонлари ва афсоналарига суянган ҳолда, бу кунги инсон ҳаётини акс эттириш билан бирга, унинг ҳаёл оламига, руҳиятига саёҳатни еслатади. Адиб ижодига хос бўлиб келган фалсафага мойиллик бу романларда бўртиб кўринади. Инсон қисмати ҳам, унинг руҳ олами ҳам нақадар мураккаб эканлигини акс эттиради.

Адиб кўп қиррали, истеъдодли ижодкор деб бежиз ётироф етилмайди. О.Мухтор шоир, ёзувчи, драматург. Насрдаги ижоди ҳикоялар ёзишдан бошлаган адиб “Йиллар шамоли”(1976) кейинги нашрларда “Бухоролик бир йигит”(1998) ва “Эгилган бош” (1989) каби анъанавий услубда ёзилган асарлари билан роман жанрида ўз маҳоратини синаб кўрди.

Унинг охириги ўн йилликда яратган қатор романлари ёзувчини элга танитди.

“Тўрт томон қибла” трилогияси (“Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба”), “Аёллар мамлакати ва салтанати” (1997), “Афлотун” (1998), “Ффу” (1997), “Навоий ва рассом Абулхайр” дилогияси (“Буюк фаррош”, “Ишқ аҳли”), “Майдон” (1999), “Хотин подшоҳ”, “Муҳаббат

ўлимдан кучли”(2011) ҳамда “Одамлар кулишлари керак” романлари, аввало, мазмун-мундарижаси, шакл-шамойили, ифода тарзининг ўзига хослиги, шаклнинг турфалиги билан алоҳида афзалликларга эга.

Унинг замонавий ва тарихий мавзудаги романлари ўзбек насрининг шаклан ва мазмунан бойишида муҳим ўрин тутди. Ундаги янгича тасвир усуллари, тафаккур тарзи ва роман – ҳангома, роман – ривоят, аср романи каби роман жанридаги шаклий изланишлари эътиборга лойиқ.

“ О.Мухтор кейинги йилларда эълон қилинган асарлари ўзбек насрида ва умуман, ўзбек адабиётида ўзгача воқеа бўлди. Адиб бадиий ижодда ўзига хос услуб эгасидир. Ижоднинг туб моҳияти, ижтимоий илдизлари ва миллийлиги нуқтаи назаридан қараганда, Омон Мухтор асарлари оригинал романлар - ўзбек халқ қиссаларига яқиндир”,- дея эътироф этади Ҳамид Ғулом.¹

Ҳар қандай ёзувчининг истеъдоди унинг қанча асар ёзгани-ю, қанча китоб нашр қилганида эмас, балки, бадиий тафаккурга қандай ўзгаришлар, янгиланишлар олиб кириб, адабий жараёнга қандай таъсир ўтказгани билан белгиланади.

Омон Мухтор адабиёт сахнасида ўз ўрнини топа олган ёзувчи деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки, унинг услуби ҳеч қандай қолипларга бўйсунмайди. Яъни, романлари анъанавий романларнинг қолипига сиғмайди. Биринчидан, романларнинг ҳажми кичкина, шакл жиҳатидан ранг-баранг, бири иккинчисини такрорламайди. Иккинчидан, уларнинг сони салмоғи ҳам кўп.

Демак, адиб нафақат шеърят, драматургияда балки насрда ҳам баракали ижод қилган. Унинг шеърлари, қисса, ҳикоялари ва драмалари ҳам талайгина. Лекин эпик турнинг асосий йирик ҳажмли роман жанрида адибнинг ўн тўртта романи мавжудлиги қувонарли ҳол, албатта. Тўғри,

¹Омон Мухтор “Тўрт томон қибла” -Т.: ”Шарқ”, 2000,2-бет

2 Қ.Йўлдошев.Ёниқ сўз.-Т.:2006. бет

романларнинг ҳажми ҳийла кичик.” Зеро бадиий адабиётни саноғи ёки вазнига қараб ўлчаб бўлмайди. Унинг салмоғи бадиият тарозиси билан тортиш руҳият мезонлари билан аниқлаш лозим”.² Адиб халқ тилида асар битади. Уларда, айниқса, кўп учрайдиган ҳолат шуки, турли латифалар, ривоятлар, туш тасвирлари

келтирилиши асарнинг “халқ қиссалари”га яқинликни ифодалайди.

Шунингдек, кўплаб романларида ҳаёлий - фантастик тасвирларнинг реал ҳаётда содир бўлиши ёзувчининг ўзига хос услуби эканлигини кўришимиз мумкин.

Энг аввало, адиб романлари бир-бирига мутлақо ўхшамайди, ҳар бири ўзига хос. Уларнинг барчаси роман жанрининг анъанавий қолипларига сиғмайди. Улар шаклан ҳам мазмунан ҳам ўзгача яратилган.

Адабиётшунос олим Д.Қуронов “Роман ҳақида айрим мулоҳазалар” мақоласида: “Бироқ, ... ҳозирда “роман” деб юритилаётган асарларнинг ҳаммаси ҳам мазкур талабларга тушмайди. Мавжуд турфалик туфайли, ”бунинг нимаси роман ? ” дея ҳайрон бўлишлар “роман талабларига жавоб бермайди, чунки...”, дея даъвони турли йўллар билан асослашга интилишларга бот-бот дуч келамиз. Ҳолбуки, бу ҳам, аввало, романнинг ўзгарувчан табиати, иккинчидан, унинг жорий адабий жараёндаги янгиликларни ўзига сингдиришга қобил ва мойиллиги, учинчидан, жанрнинг турли кўринишлари турли илдизлардан сув ичиши билан изоҳланувчи табиий ва қонуний бир ҳолдир.”²

Дарҳақиқат, “ биргина тўлиқ шаклланмаган, бу жараён давом этаётган” роман жанрининг белгиларини айнан ушбу адиб романлари мисолида кўришимиз мумкин. Улар шаклан ҳам мазмунан ҳам ўзгача яратилган. Бу янгилик биринчи навбатда романларда шартлилик тамойилларининг

¹ Дилмурод Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. -Т., 2004, 67- бет

устуворлигида кўринади. Адиб илгари сураётган ғоявий ниятини шартли унсурлар, шартли воқеалар, рамзий тимсоллар ва манзаралар орқали ифодалашга эътибор беради.

“Минг бир қиёфа ” асаридаги биринчи ҳикоя “Тутқун” деб номланган. Асар мазмуни сарлавҳадан маълум бўлганидек, қаҳрамоннинг тутқун бўлиши тасвири билан бошланади. Бу ҳикояни ўқиш жараёнида адибнинг услубига хос янги талқинни учратишимиз мумкин. Асар қаҳрамони тунда бекатда машина кутаётган ҳолатда асарга кириб келади. Сўнг у машинага ўтиради, кейин билсаки, машина ҳайдовчисиз ҳаракатланяпти ва яна ажабланарлиси номаълум жойга.

“Автобус унинг ёнгинасига келиб тўхтади. Олд - орқа қопқалар ланг очилди. ...Бироқ машинага миниб, қопқалари ёпилган машина йўлга тушгач, олдинга ўтди-ю, машинада ҳайдовчининг ўзи ҳам кўринмаётганини сезиб, анграйиб қолди.”¹

Бу воқеаларни ўқиган китобхон асар воқеаларига биринчи ўқишда ишонмас.

Адиб асарида тасвирланаётган қаҳрамон Абдулла Ҳаким таниқли ижодкор, бошқа ҳеч нарса билан эмас, шу машинанинг ҳайдовчисиз бошқарилаётганлиги билан қизиқади. Ёзувчининг янги топиб айтган гапи ҳам шунда кўринади. Яъни, одамни ўғирлашнинг, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, инсоннинг ўзлигини айрилиши, тортиб олинишининг янги кўриниши ҳақида гап бораётганга ўхшайди. Бундай олиб қараганда, фан-техника ривожланган даврда ердан туриб ойдаги фазовий кемани бемалол бошқараётган инсон машинани ҳам ҳайдовчисиз бошқариши мумкин-ку. Қолаверса, бу келажакда амалга ошиши мумкин жараёнлардан бири бўлиши, эҳтимол.

¹Омон Мухтор “Тўрт томон қибла” -Т.: ”Шарқ”, 2000, 11-бет

Ёзувчи “Тепаликдаги хароба” романида ҳам хаёлий воқеалар, тасвирлар учрайди. Бунга сабаб, адибнинг инжиқлиги ёки реал тасвирларни акс эттиришни ёқтирмаслик эмас балки, қаҳрамон руҳиятидаги нозик қирраларни, ўзлигини очиб беришда қўллайдиган ўзига хос услуби. Яъни хаёлий воқеалар ёрдамида инсоннинг ички сезимлар, интим туйғулари, сўз билан таъриф этиб бўлмас ҳиссиётларни кўрсатиб беришдир.

Юқорида айтиб ўтилган роман бош қаҳрамони Мирзо Ғолиб тўқайзорда азиз, буюк уч инсонлар: Лутфий, Машраб, Байронни кўриб қолади.

“Мархумлардан бирининг бошида фўта, еғнида одми яктак;юзи чувак,кичик соқол қўйган... Иккинчиси: бошида кулоҳ, еғнида жанда; патила-патила сочлари кулоҳ остидан чиққан, камаригача тушган; соқоли ҳам қалин,тўс... Учинчиси: бошида ҳошияли қалпоқ қўндирган,негадир қўлида юпка, оқ қўлқоп; ёғнида калта бир таёқ ҳам ётибди,юзи қонсиз,аммо жуда кўҳли...”(328-бет)

Тасвирдан билишимиз мумкинки, уларнинг биринчиси Лутфий, кейингиси Машраб, энг сўнггиси Байрон. Уч давр, уч муҳит инсонларининг бир даврда пайдо бўлиб қолиши, албатта, ақлга сиғмас ҳодиса. Лекин адиб учун бу воқеа ҳаётда ростдан содир бўлган ёки содир бўлмаганлиги қизиқтирмайди, балки улар асар қаҳрамони Мирзо Ғолиб руҳиятини очиб беришга, унинг ўзлигини танишига ёрдам беришини муҳим ҳисоблайди.

“У ўзи тасвирламоқчи бўлган мангу ва доимий мавзуларни янгича қиёфадаги қаҳрамонлар галареяси орқали ҳам инкишоф этишга эришади. Романларда тарих билан замон ҳар доим ёнма-ён туради,қаҳрамонлар ҳам бугун ҳам ўтмиш орасида.

Яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, ожизлик ва жасорат, лоқайдлик ва ғайрат, билим ва жаҳолат, хиёнат ва садоқат ришталарини айна чоғда бу қаҳрамонлар ўзида тўла мужассам этадилар.”

О.Мухтор романлари мавзу жиҳатидан хилма-хил ва ранг - баранг.

Унинг “Минг бир қиёфа” романида воқеалар Абдулла Ҳаким, лекин унинг ҳаёти Бурҳон Шариф, Садиржон ва Насириддин Афанди каби образлар ҳаёти билан бойлаб ўтади. Асар воқеалари у дунёда ҳам бу дунёда ҳам рўй беради. Инсоннинг яшашдан мақсади, ўзлигини таний олиш-олмаслиги, одабийлиги, меҳр-муҳаббат абадийлиги романда жуда ажойиб тасвирланган.

Бу ҳақда адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев:

“Омон Мухтор каби бир кур носирлар ўз битикларида инсон ва унинг моҳиятини тамомила янгича нуқтайи назардан кўриш ҳамда кўрсатиш йўлини тутдилар. Агар олдинлари насрий асарларда бир ёки бир неча қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ёки тақдири тасвирланган бўлса, энди тасвирга тортилган инсоннинг моҳиятини бутун мураккаблиги билан тадбиқ этишга тутилиди”¹.

Омон Мухтор айтиш мумкинки, полифоник романлар ижодкори ҳамдир. Унинг бу жанрдаги деярли барча асарларида сюжет ва композиция қурилиши, воқеликни баён этиш усуллари, умум тузилиши ва қаҳрамонларнинг ўзига хос эканлигидан бошқа адабиёт намуналарига ҳам умуман ўхшамаслигини айтиб ўтиш ўринлидир, албатта.

Муҳими, адиб ўтган асрнинг 90-йилларигача ўзбек романчилигида қарор топган монофоник (бир овозли) баёнга асосланган “тартиб”ни бузиб, полифоник (кўп овозли) романлар яратилишига муносиб ҳисса қўшди.”²

Лекин адибнинг бу полифоник романлар ўз миллий илдизидан, кўп йиллик тарихга эга барҳаёт фазилатлардан узилиб қолгани йўқ. Аксинча, улар ўзигача дунёга келган Шарқ анъанавий романчилигини янгича босқичга кўтарди. Яъни, йирик ҳажмли “замонамизнинг эпопеяси”³ (В.Г.Белинский) адиб миллийликни сақлаб қолади, унга замонавий тус беради, холос. Яъни турли афсона ва ривоятлар, латифалар шунингдек, туш тасвирларининг

¹ Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз.-Т.:2006.197-бет

¹ Ziyonet.uz сайтидан олинди.

² Ҳ.Умуров.”Адабиётшунослик назарияси”-Т.:2004,212-бет

берилиши тарихий адабий жиҳатдан ҳам,шакл-шамойили билан ҳам қадим халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиздаги мавжуд унсурларга яқиндир.

“Тепаликдаги хароба” романида ижодий тажрибалар қилиш, кутилмаган тасвир йўсинларини қўллаш, бадиий ифоданинг қўлланилмаган, янги воситалардан фойдаланиш ўзбек насри учун ҳам етакчи хусусият касб этади. Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби бўлади. Гёте “Услуб - бу одам” деган эди. Бу ҳикмат бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган деб бемалол айта оламиз. Ижодкор қачонки,ўз услубини топиб,бошқаларга ўхшамай ёзса,унинг асарлари ўқимишли бўлади. Чунки услуб бу - янгилик. Инсон эса доимо янгиликка ўч. Тоғай Мурод услуби ҳаммага яхши таниш. Унда синтактик параллелизм ҳам, шева сўзлардан фойдаланиш ҳам кучли. Яна халқ тилига яқинлик, бахши сўзларига ўхшашлик бор.

Н.Эшонқул услубида эса рамз ва метафорлар билан тасвирлаш,рангларнинг ўта қуюқлиги,деярли барча асарларида учрайдиган “бадбўй ҳид”, “қўланса ис”лар учрайди.

О.Мухторнинг услуби ҳам ўзига хос. Унинг асарларида назм ҳамда наср аралаш ҳолда келаверади, даярли барча романларида эпиграфни учратиш мумкин. Яна асар қаҳрамонлари йўқликдан пайдо бўлиши, неча аср олдин ўтган воқеалар ичига тушиб қолиши,бугунда ўтмиш ва ўтмишда ҳозир намоён бўлиши мумкин.

Омон Мухтор романлари услубидаги яна бир жиҳат улардаги воқеалар ривож, тимсоллараро муносабатлар тасвирида драмага ўхшашлик борлигидир. Асарни мистикага ошно қилган жиҳат тасвирда хронотоп, яъни макон ва замон мутаносиблиги талабига амал қилмаганида кўриш мумкин.

“Кўзгу олдидаги одам ” романида яна бир қизиқ ҳолат, инсон ва шайтон ўртасидаги курашга гувоҳ бўламиз. “Тасвирнинг қуюқлиги, инсон руҳияти қатламларини акс эттириш миқёсининг кенглиги ва ифода тарзининг

фавқуллоддалигига кўра миллий адабиётимиз учун янги бадиий ҳодиса бўлди”.¹

Адабиёт тарихига назар солсак, дунёвий ҳаваслар, орзу-умидларга доимо” ёрдам қўлини чўзган” ва бу билан эзгу йўлдан оздирган инсон қиёфасидаги шайтон ва иблис образларига дуч келамиз. Гётенинг “Фауст”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Балзакнинг “Сағри тери тилсими” асарлари шулар жумласидандир.

О.Мухторнинг “Кўзгу олдидаги одам” романида Валининг Сирож муаллим қиёфасидаги шайтон билан бўлган муросасиз кураши тасвирланади.

Асардаги “Шайтон тандаги қон каби...” сўзлари уч мартта қайтарилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки асар қаҳрамони олдида раҳмоний ва шайтоний йўл ётади. Ёзувчи олдида қўйган асосий вазифа асар бош қаҳрамони “фақат фаолият одамигина эмас, балки ўй-мушоҳада кишиси сифатида тасвирланади”.(97-бет)

О.Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр” асари учун Ўзбекистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. “Ишқ аҳли” ва “Буюк фаррош” деб номланган икки қисмли дилогия романи Уйғун, И.Султон ва Ойбекдан кейин улуғ Навоийнинг монументал қиёфасини яратишга ёзувчининг интилишларини маҳорат самараси деб баҳолаш мумкин.

Биламизки, адиб серқирра ижодкор. Унинг насрий асарларидан ташқари шеърлари ҳам талайгина. Унинг “Минг бир қиёфа” ва “Тепаликдаги хароба” романларида наср ва назм уйғунлигини кўриш мумкин. “Навоий ва рассом Абулхайр” дилогиясида ҳам унинг шеъриятдаги насрий тажрибасининг таъсири ва насрий асарларида шеъриятининг акс-садоларини кўриш мумкин.

Ёзувчи ҳазрати Навоийни ўзгача кўз билан кўради ва тасвирлайди.
”Навоий тўғрисида кўплаб китоблар ёзилган.
Аммо кўнглим тўлмайди.

¹ Қ.Йўлдошев.Ёник сўз.-Т.:2006.,81-бет

Буларнинг аксарида у тирик одамдан кўра кўпроқ девордаги суратга ўхшайди,”² дейди адиб ўз романида.

У Навоийни “... бир Осмон, ...бир уммон” эканлигини таъкидлайди. Ёзувчи ниҳоятда жиддий ишга қўл урганини билади. Навоий шоирлар султони. Адабиёт тарихида энг юксак “Эверест чўққиси”. Тоғдан қанча узоқлашганингиз сари уни залвори, салобати ошиб боргани каби, Навоий даҳоси йиллар, асрлар ўтиб, бизни янада ҳайратга солмоқда. Адиб ўзигача яратилган Навоий сиймосини билар эди. Ўз романи учун эса шоир асарларига таяниб, улардан келиб чиқиб, руҳиятини илғамокчи, унинг инсоний қиёфасини чизмоқчи бўлади. Хуллас, Омон Мухтор Навоийнинг асарлари орқали унинг шахсиятига етиб боришга ҳаракат қилади, бунинг учун халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятлардан ҳам ўринли фойдаланади.

“Ёзувчи романда Навоий ва унинг атрофидагиларни ўзига хос рассом назари билан кузатади. ... Ҳазрати Навоий тимсолини бадиий тадқиқ этиш жараёнида Омон Мухтор қилган энг катта кашфиёт, биринчидан “Унинг манглайига ДАҲО бўлиш учун аввалдан фожиа муҳри босилган”ини топганда бўлди деб эътироф этган эди.¹”

Адибнинг яна бир муҳим романи борки, уни эсламай ўтишнинг иложи йўқ . “У шу кунги роман” дея муаллифнинг ўзи эътироф этган асар “Хотин подшоҳ”дир. Бу асар воқеалари бундан минг йиллар аввал тарихий бир даврда содир бўлади.

Адабиётшунос олимлар томонидан баҳсларга сабаб бўлган бу романни кимдир тарихий,кимдир маърифий деб атайти.

Роман Туркистонда минг йиллар олдин араблар босқини даврида ҳаёт йўлини босиб ўтган ўзбек халқи, аниқроқ айтадиган бўлсак, юртнинг ҳақиқий фарзанди- Ойсулов ҳақида.” Адабиёт абадиётга даъвогар. Адиб бетизгин

¹ Омон Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр” -Т.: ”Шарк”, 200617-бет

² Қ.Йўлдошев.Ёник сўз.-Т.:2006,114-бет

вақтни тизгинлашга уринадиган зот. У тарихчидан фарқ қилароқ, замон ҳақида ахборот, маълумот бермайди. Билъакс вақтни, одам умрининг бирор қисмини ҳиссиёти сезимлар билан тасвирга муҳраб, тўхтатиб қўяди.(35-бет)”

Омон Мухтор тарихнинг маълум бир чигал вазият ҳукм сурган даврни, тарихий воқеликни ўз романига асос қилиб олади. Наршахийнинг “”Бухоро тарихи асарида “Муҳаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий) айтади. Бидун Бухорхудот ўлган вақтда ундан бир эмадиган ўғил бола қолди; унинг номи Тағшода эди. Боланинг онаси бўлган хотин тахтга ўтирди ва ўн беш йил ҳукмронлик қилди”²,- деб ёзади.

Бундан кўринадики, Омон Мухтор тарихий романини ёзишдан олдин пухта тайёргарлик кўрган, воқеаларга бадиий тус, бўёқ бериб тасвирлагани эътиборга молик. Романда туркий халқлар тараққиётидаги бурилиш бўлмиш исломнинг кириб келиш даврида Бухоро салтанати ўн беш йил бошқарган Ойнур тимсоли жуда меҳр билан тасвирланган. Ёзувчи, романида холис баён усулини танлайди, ҳеч бир воқеага аралашмай, барчасини Достоевский асарлари қаҳрамонлари каби ўз ҳолига ташлаб қўяди. Асарни ўқир экансиз ёзувчи билан бирга Қадимги Бухорони, шаҳар ўтмишини ўз кўзингиз билан кўргандек бўласиз. Ҳар бир иш пухта, тўлиқ, бекам-у кўст бўлмагани каби романнинг айрим жойларида баёнчиликка, пала-партишликка йўл қўйилган. Лекин, асар бадиияти, ёзувчи маҳорати бу камчиликларни тўлдириб кетади.

Асарда араб халифаси Муовия, унинг ўғли Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Саййид ибн Усмон, Қутайба ибн Муслим лашкарбошилари ва сотқин Хитфар Бухорхудот тимсоллари жонли тасвирланган.

Адиб эътиқоду имон учун борган жанглари тасвирланган бу романида севгининг сеҳрли қудратини бир-бирига қарама-қарши турган туркийлар билан арабларнинг етакчилари Ойнур ва Саййид ибн Усмон сиймоларида акс эттиради. Бир-бирига ёғий бўлган икки ёш ўртасида беихтиёр пайдо бўлган

² Абу Тохирхўжа ва бошқ. ”Мерос” туркуми.-Т.:1991 92-бет

натijasиз ва азобли севги тасвири асарга айрича жозиба бахш этган. Ёзувчи асардаги аксар персонажларни ўз ички оламига эга бетакрор шахслар сифатида тасвирлай олган. Бунда адиб кичик бир тафсил орқали муайян тимсолга хос жиҳатни ифодалаш йўлидан боради. Жумладан, Ойнурга тегишли: “Хотин подшоҳ қароргоҳга кириб келганида бир дам гангиди. Сирасини айтганда, у – журъат, ўқтамлик билан юртни қўлида итоатли тутса-да, ёш жувон (кечаги қизалоқ) эди” ёки Саййид ибн Усмон ҳақидаги “У аёлми, эркакми ўзидан ақллироқ киши олдида доим бир нима дейишга қурби етмай, саросималанарди” сингари қисқа тасвирлар ёпрдамида ҳар бир тимсолнинг ички дунёсини кўрсатишга эришади.

Кўнгил майли, висол иштиёқи боис, бири олис саҳродан Бухоро томон, иккинчиси Бухородан саҳро сари от суриб, бир-бирига етай, деб қолганда, кўнгил майли боис ортга қайтган Саййид ва Ойнур ҳолатлари тасвири таъсирли чиққан. Шунингдек, ёзувчи бадиий адабиётда илк бор Бухородаги туркийлар билан форсийлар муносабатидаги нозик жиҳатларнинг илдизлари борасида ишонарли тўхтамларга келади.

Омон Мухтор ҳар бир романи сарлавҳаларига алоҳида эътибор беради. Ва меҳнатининг натижаси сифатида бир - бирига ўхшамаган оригинал сарлавҳалар топа олди. Унинг “Ффу”- ривоят роман деб номланганлиги юқоридаги фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Бу асарда адибнинг маҳорати яна бир бор маълум бўлади. У ўз принциpidан чекинмаган ҳолда, асар қаҳрамони Тоштемир ҳам салбий ҳам ижобий жиҳатларини очиб беради. Ривоят – роман деб изоҳланган асар асоси ҳам ривоят устига қурилган. Аммо унда бугунги давр нафаси, турмуш, ҳаёт муаммолари акс этган.

Инсон ҳеч қачон дунёга устун бўла олмайди. Айниқса, бойлик, куч билан. Тоштемир образи орқали биз мана шунга амин бўламиз.

Асар бош қаҳрамони - Мулла Тошпўлат. У шаҳарнинг оддий фуқароси, камтарингина курувчи. Унинг ёлғиз ўғли бор. Тоштемир. Унинг

вужудида эзгулик ва ёвузлик мавжуд. У куч,бойлик билан дунёни,севгини эгаллашга ҳаракат қилади. Бир имкон туфайли у инсофга келади.

Дунёда фақат меҳнат ва эзгулик билан эътиборга,одамийликка эришиш мумкинлигини англайди.

“Шу пайт...

пайқади:

Ғор олдидаги катта бир тош устида

Тоштемир билан...

Нигор!-

Ёнма-ён,бошларини эгганча,

Сўзлашиб

Ўтиришар эди.

У Нигор куч,бойлик билан эмас,меҳнати билан “қурилаётган бино нақ осмонга ўрлабди!” эришди.¹

Мулла Тошпўлат тилидан айтилган ушбу гаплар асар моҳиятини белгилайди.

“Дунёнинг ўзи кафтдаги чанг чуқур нафас тортиб,ффу!-десанг,учади-кетади!”²

1.1. “Майдон ” романида ғоявийлик ва роман бадиияти

“Қатор ёпиқ эшикларни тасаввур қилинг. Ёзувчи сизни улардан ичкарига олиб киради. Яхши-ёмон ҳеч бир воқеага қизиқмасангиз, демак дунёга келмапсиз, - деган эди Омон Мухтор “Хотин подшоҳ” китобининг сўнгги саҳифасида.

¹ Омон Мухтор “Аёллар мамлакати ва салтанати” -Т.: ”Шарқ”, 1997,75-бет

² Омон Мухтор “Аёллар мамлакати ва салтанати” -Т.: ”Шарқ”, 1997,54-бет

“Қатор ёпиқ эшикларини” инсоннинг ички олами, руҳияти деб тушунсак, демак ёзувчи китобхонни ана шу инсоннинг энг сирли, энг нозик ички руҳият манзараларига олиб кира олади.

Кўплаб адабиётшунослар, хусусан, китобхонларнинг эътибор-у эътирофига сазовор бўлган “Майдон” романида ҳам инсоннинг шахси ёки воқеалар тизимига эмас, балки инсоннинг руҳият олами тадқиқига эътибор берилади.

Адиб асарига “роман-хангома” деб изоҳ беради. Биламизки, О.Мухтор адабиётимизда ўз овозига, ўз сўзига эга адиб сифатида танилган. Унинг романларида фалсафий мушоҳадакорлик кучлилиги билан бирга, услуб ва шакл ўзига хослиги, назм ва наср аралаш ҳолда келиши ҳолати ва яна бир муҳим жиҳат, хажмнинг қисқалиги, мазмунинг кенглиги билан ажралиб туради.

“Майдон” романинг илк саҳифасиданоқ “Олисдан эшитилган нидо” сарлавҳаси остида шеър берилади.

Нима учун бунчалик азоб?

Хаётда ўрнингни олиш учунми?!

Умр ўтар экан бамисоли хоб,-

Тарихларда қолиш учунми?!¹

Адиб роман бошида бежизга бу сатрларни келтирмайди. Инсон туғилибдики, у ижтимоий муҳитда, жамиятда яшайди, одамлар билан муомалада бўлади. Бунинг натижасида ё юксалади, ё таназзулга юз тутди. Муҳит доим инсонга унинг тақдирига таъсир қилувчи ҳодиса саналади.

Муҳит дегани умуман инсон яшаётган жой, майдонидир.

Ушбу шеър роман моҳияти, унинг ғоясини янада очиқ беришга хизмат қилган.

¹ Омон Мухтор “Хотин подшоҳ”-Т.: ”Шарқ”, 2010, 336- бет

Инсон нега азоб чекади? Интилади, Курашади? Тарихда қолиш учунми? Йўқ. Инсон яшаш учун бу майдонга – дунёга тушади. Майдон кенг. Унинг ичида ҳам атрофида ҳам одамлар бор. Инсон айнан шу майдонда яшайди. Ўзини, ўзлигини англайди.

Ушбу роман хажми 90 саҳифани ташкил этади.

“Омон Мухтор ҳажман анъанавий қиссаларидан чоғроқ бўлган романлари ифода тарзида тарзи, сюжет ривож ва ташкилий қурилишининг ўзига хос ва бир мунча мураккаблигига қарамай, ўқилаётганлиги ҳам шундан далолат беради”.¹

Дарҳақиқат, ёзувчининг катта эпик жанридаги В.Г.Белинский айтганидек, “замонимизнинг эпопеяси” асарлари биз ўрганиб қолган, анъанавий романларидан анча кичик, албатта. Лекин ёзувчи айтганидек, ҳажмига эмас, мазмунига этибор берганини эсга олсак, маълум даражада адиб ютуққа эришганлигига гувоҳи бўламиз.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев “Ёниқ сўз” китобида: “Омон Мухтор романларининг ҳажман мўъжазлигига сабаб ҳам, бизнингча, тасвирлашга арзийдиган ҳаётий тафсилотларнинг йўқлиги ёхуд адибнинг тасвир калавасини йўқотиб қўйишдан қўрқиш эмас, балки муаллиф томонидан шахс ички олами қай миқёсда текширилиши мақсад қилиб олинганлигидир”.

Асарда образлар талайгина. Улар Адиб, Қизча, Осий, Аёл, аким, Бемор, Савдогар, Бахши, Арбоб, Дарвеш-масхарабоз, Адиб уларни исми билан атамайди. Балки бу “майдон”даги мавқеи билан атаб қўя қолади, холос. Бу адибнинг эринчоқлиги ёки инжиқлигидан эмас, албатта.

Бунда яъни асар қаҳрамонини хатто исми билан атамаслик жаҳон адабиётида Франс Кафка, ўзбек адабиётида Назар Эшонқул каби кўплаб ижодкорлар асарларида ҳам кўришимиз мумкин.

¹ Қ.Йўлдошев.Ёниқ сўз.-Т.:2006. 70- бет

Романнинг асосий ўринларида қахрамонлар, уларнинг ижтимоий мавқе, ҳолат билан аталса, кейинги ўринларда исмлари билан ҳам аташ кўзга ташланади. “Ёзувчининг маҳорати шандаки, у асардаги тимсолларга ном бермаганлигининг ўзи билан уларнинг умумлаштирувчилик кучини бўрттириб кўрсатишга эришган”, - дейди олим Қозоқбой Йўлдошев.(391)

Воқеалар Паноҳ ва кейин деярли барча қахрамон тилидан ҳикоя қилинади. Адиб бу асарида инсон рухиятига, яъни психологизимга кучли эътибор берган. Асар воқеалари йигирма етти қаватли “карвонсарой”да бўлиб ўтади. Адиб бежиз асарига “Майдон” дея ном қўймайди. Асар бошдан айнан шу сўзга урғу бериб ўтади.

“Байрам бўлмаган кунлар одам кўп йиғилмайдиган майдонда негадир анча-мунча киши чумолидек қорайиб, у ён – бу ёнга суринар эди!

Менинг майдонда ишим йўқ”¹

Асар тугуни асар қахрамонларининг бош образ Панно (Паноҳ) нинг осма- кути (лифт)га қамалиб олишдан бошланади.

“Осма-кути 14-қаватдан ўтиб 13-қаватга етмасдан, шағал тўкаётгандек, қандайдир ғариллади ва бирдан кўргилик! –тақ-тақ тўхтади”. (366-бет)

Халқимизда етти рақами хосиятли, бахтли, омадли рақам сифатида қаралади. Хафтанинг етти кундан иборатлилиги, дунёнинг етти кунда яралгани, дунёнинг етти мўъжизаси, етти хазина, еттита чалпак ва ҳ/к.

Тараққиёт туфайли бизга баъзи рақамларнинг “беҳосият, омадсизлик, бахтсизлик рақами” ҳам борлиги маълум бўлди. Бу 13 рақами. Осма-кутининг ҳам айнан 13-қаватда бузилиб тўхтаб қолиши замирида асар қахрамонларининг ҳаётидаги бу лахзада ташвиш, хавотир борлигига ёзувчи ишора қилгандек гўё. Шунингдек, ёзувчи иложи борида миллий жумлалардан фойдаланишни хуш кўради. Хусусан, лифт ўрнига осма-кути сўзи бутун асар давомида ўзгармайди.

“ ... Ёзувчини воқеа ҳам, унинг ҳаётий ва ишонарли ёки уйдирма ва ишонарсиз эканлиги ҳам қизиқтирмайди. Адиб учун муайян шароитга тушиб

қолган одамларнинг ўша дамдаги ҳолати, руҳий изтиробларини кўрсатиш муҳим”²

Асар тугуни 13 одамнинг бино 13-қаватида тўхтаб қолган осма-қутида камалиб қолишдан бошланади.

¹ Омон Мухтор “Хотин подшоҳ”-Т.: ”Шарқ”, 2010.367-бет

² Қ.Йўлдошев.Ёниқ сўз.-Т.:2006,397-бет

“Юқори каватларидан пастга тушиб келаётганлар ҳаммаси менга таниш эди. Улар :

Адиб,
Ҳаким,
Мулла,
Артист,
Бемор,
Бахши,
Осий,
Аёл,
Савдогар,
Қизча,
Арбоб,
Дарвеш-масхарабоз! “²

13 киши осма-қутида қамалиб қолиши, бу бир оддий дунёнинг турли бурчакларида содир бўлиб турадиган бир воқеа. Аммо тасодифлар тасодифан содир бўлмайди, деган гап бор. Ушбу тасодиф асар қахрамонларининг ўз ишларига, бу дунёда қилган савоб-у гуноҳларига жавоб берадиган, сарҳисоб қиладиган жойга айланади.

Улар ҳаёт ташвишларига тўла бу майдон-дунёдан ажралиб “одамийлик майдони” ёки “эзгулик майдони”га тушиб қолиб, ўз ишларига сарҳисоб беради.

² Омон Мухтор “Хотин подшоҳ”-Т.: ”Шарқ”, 2010.368-бет. Бундан кейинги саҳифаларда фақат китобнинг бети берилади.

Бу бевосита бизга жаҳон адабиётида детектив қироличаси Агата Кристи қаламига мансуб “Ўнта негр боласи” асарини ёдимизга солади. Унда жиноят қилиб, жазосиз қолган ва ўн киши “Зангилар ороли”да қамалиб қолиб, ўз қилмишларига жавоб берган бўлса, бу асарда осма-қути 13 кишига на шундай шароитни яратиб беради.

Асар тузилиши фақат Омон Мухтор услубига хос. Роман икки ҳолат дея номланган шакл остида воқеалар баён қилинади.

Биринчи ҳолат “Осий”, иккинчи ҳолат “Қизча” деб номланади. Воқеалар гоҳ умумий сарлавҳа остида (“Осий”, “Қизча” ва х/к) гоҳ рақамлар билан белгиланган ҳолда баён этилган.

Асар тили ҳам ўзгача. Биринчи ҳолатда акс этган воқеалар бош қаҳрамон Паноҳ тилидан асардаги образларга, воқеа-ҳодисаларга муносабати берилади, ҳамда ҳар бир қаҳрамон сарлавҳаси остида улар ҳам ўз тилидан баён қилиши кузатилади.

Роман бош қаҳрамони паспортида “Панно” деб ёзилган, ҳамма Паноҳ деб чақирувчи киши. У Салима билан телефонда гаплашгач: “Менинг майдонда ишим йўқ. Аммо қизиққанам сабабданми, хонада тоқатим тоқ бўлиб ўтирганм учунми ?! – худди шу аснода, майдонни бир қур айланиб келсаммикан, деган хаёлга бордим. Шарт эшикка йўналдим”¹, дея ишхонасидан пастга, майдонга тушмоқчи бўлади-ю, осма-қутида қамалиб қолади.

Ха, Паноҳ ердаги майдонга эмас, ҳақиқий “одамийлик майдони”га тушиб қолади. У “энсам қотиб, тезроқ пастга тушишни кутганча”(369-бет) безовталанади. Чунки осма-қутидаги одамлар билан мулоқат қилишни истамас, лекин тақдирми ё шароитми уларни бунга мажбур қилади.

Романдаги ҳар бир персонаж жамиятдаги қайсидир бир тоифа инсонларнинг умумлашмаси ёки типик вакили.

¹ Уша китоб (368-бет)

Ёзувчи бежиз уларнинг ижтимоий ҳолати билан таништириб ўтмайди.

Паноҳ ҳам маълум даражада типик қаҳрамон.

“Адабиёт муаллими эдим. Хали йигирма етти қаватли қарвонсаройда ишламасдим. Мени ижтимоий-иқтисодий муаммолар қизиқтирмасди”(373-бет)

Паноҳ ҳаётда кўп учрайдиган биз билан шу ҳаётда яшаётган одам. У содда, оқўнгил, тўғрисиўз, илмли шундай бўлса-да, айти пайтда у оиласи бузилган, ҳаётда бахтини излаётган, шу бахтни Салимада кўраётган қаҳрамон. Яна у Адибнинг китобларидаги бош қаҳрамон. Бир суҳбатда Адиб уни ёктириб қолиб “Мен сиз тўғрингизда китоб ёзаман. Бош қаҳрамон сиз...”(374-бет) деб қолади. Бунга жавобан эса : “ Биров сен ҳақингда китоб ёзиши, кишини ховотирлантиради. Биз ҳам чакки одам эмас эканмиз, мазмунидаги оддий бир ҳаёл... Шунинг баробарида, кўчада ёланғоч чиқаётгандек ҳолатини сезасан.

Ҳар қандай инсон китобга киравермайди. Паноҳ Адиб асарларининг бош қаҳрамони бўлса ҳам у буни истамайди, Ўзига талабчан ёзувчи ўзи кўрган, бўлган воқеалар ёзиши тарафдори.

Паноҳ ҳаётда тўғри одам бўлишга, шундай яшашга ҳаракат қилади. Унга муғомбирлик, сир сақлаш аввалдан битмаган таёқдек тўғри одам. Дунёда оғзи кўп куйган бўлса-да, катикни пуфлаб ичолмайдиган одамлар сирасига киради.

Гарчи оиласи бой, зодагон бўлса ҳам ёшлиги бир мунча эркалик билан ўтганлиги сабаб оиласи бузилган.

Шундай бўлса-да, у инсонга хос ҳис-туйғудан маҳрум эмас. “Яна негадир, ҳикояга ўзим ишонмасам-да, кўнглим ишонаётгандек, ҳикоя менга Салимани эслатди! Уни бир кўргим келаётганини англадим. Бу истак мени шундай ўртаб юбордики!”(376-бет)

Салима қадимги давр аёлларига ўхшамаган “бир чўкишда истаган одамини қочирадиган” “чарс аёллардан”. Паноҳ унга нисбатан кўнглида

нимадур туяди. Овунади. Айнан у билан гаплашгач майдонга тушиб, айлангиси келади.

Лекин “ичингдаги ичингдадур” каби у “ майдон” ичидаги майдонга тушади. У ердаги суҳбат ўзлигини танишга, англашга олиб келади, маълум хулосалар чиқаради.

“Сездимки, режа бузилди!

Салима – бошқа ОЛАМ

Мен бошқа”(448-бет)

Ёзувчи жиддий асарида ҳам азалий севимли мавзуларидан бири мухаббатга ҳам мурожаат этади. Бемор персонажи орқали буни кўриш мумкин.

“Бемор ўрта ёшлардаги киши. Ранги сўлгин, сочидан қош-киприкларигача эрта оқарган эди...”(371-бет)

Ёзувчи бемор образи орқали ҳаёт маъносини англаган, ўз ўринини и эгаллашга интилан, фалсафий мушоҳадага эга бўлган инсонлар тасвирини чизади.

Бемор исми Шариф. У соғлом эди. Нима бўлди-ю арзимас сабаб билан касалхонага ётади ва у ерда Вилоят исмли жувон билан танишиб қолади ва англайдики, “соғ танда-соғлом ақл” деган нақл бекорлиги, энг асосийси қалб, руҳ соғломлигига ишонч хосил қилади.

“Ишқ бошқа, хавас бошқа!- у бирон аёлни бирон пайт бунчалик яхши кўрмаган эди”(382-бет)

Шариф кўп аёллар билан танишган, чунки унинг табиати шундай, аёлларнинг шайдоси. Лекин ҳақиқий беморлик Вилоятни кўргач бошланди. Ишқ орқали у ўзлигини англаши, покланиши лозимлигини билмади.

“Ана, бало-қазодан қутилмоқни истаб, неча йилдирки, Шариф бошини деворларга уради. Бироқ...

У кирган кўчанинг

Охири йўқдек эди ! “(384-бет)

Омон Мухтор Бемор образи орқали “Муҳаббат ўлимдан кучли” деётгандек бўлади.

Романда шундай типик образлар борки, улар бугунги куннинг илғор, ишбилармон одамлари. Улар арбоб ва савдогар.

Ёзувчи махорати шундаки, жамиятда бу кишиларнинг салбий иллатларни очиқ-ойдин, уларнинг ўз сўзлари, нутқи билан очиб беради.

Бу образлар ўзга нигоҳ, гапи, қараши билан эмас, балки ўз сўзи билан ўзлигини “ошкор” қилиб берилади. Айнан осма-қути “майдон”да қамалиб қолиши, уларнинг характерларини ёрқин очиб беришга ёрдам беради.

“Савдогар йигирма ёшлардаги йигит. Ингичка мўйлов. Сипо кийинган эди...”.(371-бет)

Асар қаҳрамонига берилган ушбу таъриф бизга савдогар ҳақида анча-мунча маълумот беради. Йигит нисбатан ёш, у жамиятдаги шу каби ёшларнинг типик вакили.

“Ингичка мўйлов” эса унинг олифталигидан нишонаси. Сабаби, ўзбек халқида “отага тик боқмаслик, гап қайтармаслик” ўзига хос одоб. Шунингдек, яна шундай нарса борки, агар йигитларнинг отаси мўйлов қўйса, ўғлининг мўйлов қўйишга ҳаққи йўқ, бу одобсизлик, отага нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Агар ота соқол қўйган бўлса, ўғилнинг бунга ҳаққи бўлади.

Ёши йигирмада десак, отаси қирқ-қирқ беш атрофида бўлишини тахмин этсак, бу ёшда соқол қўйиш амри маҳол ҳодиса, ҳуллас, савдогар йигит, Ўзига бино қўйган, олифта десак янглишмаймиз. Айниқса, унинг нутқи ва ҳолати характери янада бўрттириб кўрсатади.

“Энангни эмгур ! – деб қўйди савдогар. У қути бурчагидаги телефон дастагини кўтарди. Сим узиб ташланган эди. - Энангни эмгур ! – деди яна савдогар. У ўзининг кафтдек қўйин телефони чикарди. – мен сизларини кутқараман ! – қаёқларгадур телефон қилди, натижа бўлмади. – Биронтаси жойида ўтирмайди, энангни эмгур ! ”(370-бет)

Ушбу парча характернинг зига хос жиҳатини шундай аниқ – равшан қилиб очиб беради.

Яъни, қахрамон нутқидаги вулгаризмнинг уч марта қўлланилиши, жамоат жойида бу, албатда, тарбиясизлик нишонаси. Шунингдек, унинг табиатида манманлик, бошқаларни менсимаслик ҳамма нарсага қодирман қабилида иш тутишини кўриш мумкин.

Савдогар дунёни пул билан ўлчайди, “яшаш керак, яшаганда ҳам яхши яшаш керак” нақлига амал қилади.

Унинг бу ҳолати, айниқса, чўккан кема билан боғлиқ, воқеага муносабат билдирилганда номоён бўлади.

“ Билмас экансиз-ку, тоға. Денгиз остида қанча жавоҳир ётади! – деди савдогар жаҳл билан”(394-бет)

Дунёда қанчадан-қанча кема денгиз, океанга ғарқ бўлган. Кундек равшанки, бунда Савдогар учун кемаларда ҳалок бўлган инсонлар тақдири эмас, унинг асосий юки бўлган олтину жавоҳирлар қаердалиги қизиқтиргани аёнлашади.

Осма-кутидаги асар қахрамонлари ўз ҳаётини тақдир ҳукмига топширишади. Улар бу ердан тирик чиқиш, ё чиқмасликларини билмайди. Тақдирга тан беришади.

Бу ерда ҳамманинг ўзлиги намоён бўлади.

- “Мен китоб-питобга ишим йўқ. Ўқимайман! Бошим оғрийди... Албатда, қизиқтирса ўқирдим. Ёзолмаяпсанлар! Мана, юз йил савдогарларни сўқдинглар. Нима бўлди ? ! Савдогар гуллаяпди, ўзларинг тутаб ётибсанлар... Ха майли. Энангни эмгур!”(420-бет)

Дарҳақиқат, савдогар ўзини кучли, халоскор деб ўйлайди. Аммо бу майдонда на кучи, на пули, на таниш-билишлари ёрдамга кела олади. У бир неча бор телефон қилиб, уриниб кўради, натижа бўлмайди. “ Савдогар пул билан боло-қазони даф қилиш мумкиндек, қўйнидан ҳамённи чиқариб,

шошмасдан ёнида бор нақдинани санашга тушган эди. Нихоят, санаб бўлди ”
(440-бет)

Асардаги Савдогар, Дарвеш-масхарабоз ва Бахши образларининг ўзаро суҳбати асар моҳиятини очиб бергандек таассурот қолдиради.

“Дарвеш-масхарабоз одатича минғирлади.

- Бир товукқа ҳам сув, ҳам дон керак, одам бўлиш учун ҳамён керак! ”

Қизча бу гапга негандир кулди.

- ҳамён эмас. Майдон керак, Майдон ! ”(440-бет)

Осма-кути очилганда ҳамма тарқагач, Савдогар ҳам аввалгидек, ҳеч нарса бўлмагандек, кимгадур бақириб-чақириб кетади. У ўзлигини одамийлигини номоён этади-ю, қопқадан қутилгач, яна ҳеч нарса бўлмаган, кўрмагандек яна ошига қайтиб, йўлида давом этиб кетаверади.

Арбоб ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. У ҳам жамиятдаги Арбобларнинг йиғма тимсоли. У “семиз, оппоқ киши ”(370-бет) У Дарвеш-масхарабоз билан ака-ука эди.

У акасининг ҳар бир ҳаракати, сўзидан хижолат чекар, уялиб қарарди ва бир нарсага одамлар нега одатда, унга нисбатан акасини кўпроқ яхши кўришларига тушуна олмас эди... ”(370-бет)

Дарвеш-масхарабоз акаси, у доим халқ билан бирга, унинг ичида, халқ дарди билан ёниб яшагани учун уни кўпроқ севишларини билмас эди.

Ҳар ким ҳам ҳаётда, албатта-билиб билмай гуноҳ иш қилиб қўяди, беайб Парвардигор. Лекин бу айбларни ҳар ким ҳам бўйнига олавермайди.

Осма-кутида камалгач, Мулла “Бизни гуноҳларимиз қисди” деганда ҳамма қилган гуноҳларини ўйлаб, бўйнига олиб турганда “Бизни нима гуноҳимиз бор экан ?!” (380-бет) деб Арбоб норозиланиб қолади. Унинг исми Обидхўжа. Ҳаёти ҳам бошқаларга ўхшамаган, ўзига хос. Уйлангач , ҳеч бир қариндош-уруғи билан борди-келди қилмайдиган, уни сўраганларга Обидхўжа улган” , деб айттириб юборадиган бўлди. Шароит йўқлигини рўқач қилади.

“ Обидхўжанинг омади келди. Курсига бир ўтирган эди, курсини шифтига кўтарилиб бораверди. Нақ шифтга мўлжаллаганда тўхтади ” .(392-бет)

Лекин шароит тўғри келганда йўқлайдиган одами қолмаганди. Ёзувчи ушбу жумлалар билан гапда Арбобнинг бутун характерини очиб беришга ҳаракат қилади.

“Бу дунёда биронта одамни яхши кўрмай, халқ билан оддий муносабатда бўлмай, одамларни қаерга, қандай бошлаш мумкин ?! ” (393-бет)

Арбоб ҳам гоҳ норозиланарди. Ёшликдан одамлар билан яхши муомала қилолмаган одам қариганда ўзгариши амри маҳол. Хатто, у туғишган жигари акасига қандай муомала қилишни билмайдиган одам эди.

Ёзувчи айтгандек ҳаётда тўлақонли ижобий “ оқдан оқ” ва умуман салбий “қорадан қора” қаҳрамон йўқ. Инсон ҳар иккисини ҳам ўзида мужассам этган.

Арбоб ҳам худди шундай. У салбий ёки ижобий қаҳрамон ҳам эмас. У реал инсон.

-“ Мен ёзувчи бўлишим керак эди ! Талантим бор. Ҳаётни биламан.

Вақт йўқ , - шикоят қилди Арбоб- Менга қолса, қаёқдаги денгизлар, кемаларни ёзиб юрмасдим ”.(411-бет)

Осма-кутида қамалиб қолиб Арбоб ўзлигини шундай номоён этади.

Романда яна шундай бир биридан ажойиб, турли образлар борки, уларни эсламай иложи йўқ. Булардан бири Осий, бири қизча. Асар қурилишдаги икки “ҳолат” дея номланган боблардан айнан мана шу икки қаҳрамонга бағишланган.

“ Осий ўттиз ёшларда. Нотинчми, питиракми? – афти ангоридан, ёшига кўра каттароқ туюлар эди...? (371-бет)

Осий ўз номи билан Осий. Бу қахрамонни адиб ўзгача рух, қараш билан тасвирлайди. Уни тасаввуфий ақидаларга алоқадор шахс десак бўлади. Чунки у болаликдан узоқ юртга саёҳат қилишни ёқтирар (худди Мажнун каби) бу ҳақида ўйлаганда кўзларига ёш қуйиларди.

У олижаноб, бегуноҳ, ҳеч бир қимирлаган жонга озор бермайди, чекмайди, хуллас қанотсиз ердаги “фаришта”. Аммо умри давомида ҳаловатини йуқотди. Бу ҳаловатни у то “майдон” да “яшаб” ундан кутилиб чиқмагунча англай олмади. Ўтган даврда унинг умри осийликда ўтди.

Ёшлигида у қайикда сузиб кетаётиб, бир қизчани сувга тушиб кетиб, ғарқ бўлганини, унга ёрдам бераолмаганини ўйлайди. Хатто уйланиб, фарзандли бўлгач, оиласини ташлаб ёлғизликда яшайди.

Арзимас туюлган хато уни умр бўйи таъқиб этади. Бу инсондаги виждон уйғоқлигини, гуноҳини эътироф этиб, бундан руҳан азобланиши. “ У яна, ҳайвон ҳам бундай қилмайди, деб ўйлайди. Денгизда делфинлар ғарқ бўлаётган одамларни устларига юклаб қирғоқга ташиб чиқариши хаёлидан кечди. Наҳотки, инсон махлукдан ҳам баттар бўлса ?!” (390-бет)

Ҳа, Осий “гуноҳига савол берувчи инсон. У кўнглига таскинни сайр-у саёҳатдан излайди. Инсон гуноҳсиз яшай олмас экан-да, деб гоҳ-гоҳида ўзига таскин, тасалли бериб туради.

Лекин асар ниҳоясида Осий ўша дарёда кўрган қизни топади.

“Осий узоқ бир нуқтага тикилиб қолган эди.

Қизча ҳикоясини тугатар-тугатмас, унинг бирдан кўзларига ёш тўлди. У ўзи ўтирган курсидан ерга сирғалди, Қизчанинг қаршисида тиз чўкди. Қизчанинг қўлларини тутиб, юз-кўзларига, лабларига босди. Сўнг ўрнидан сапчиб, катта йўл томон ўқдек учди ғойиб бўлди.

- Нега югуриб кетди ?! Қаёққа? Жинними?

- Жинни эмас! У ҳозир тўғри қишлоққа, хотини, қизчалари ёнига кетди...” (450-бет)

Ушбу сатрларда биз яна бир бор Омон Мухторнинг ўзига хос услубга эга ижодкор сифатида кўришимиз мумкин. Ёзувчи қахрамон руҳиятини очиб беришда “синиқ мозаика”дан фойдаланади. “... тасаввур йўсинини тўлиғича синиқ мозаика асосида қуриш... устиворлик қилади. Романдаги сўзлар қаторининг аксарияти синиқ, бу синиқ қаторлар орқали тасвирланган тимсолларнинг тақдирлари ҳам синиқ, персонажлараро муносабатлар ҳам синиқ, фақат синиқликнинг ўзи бутундир”¹, - дейди Қ.Йўлдошев.

Қизча ҳам асарда алоҳида аҳамиятга эга. Иккинчи ҳолат ҳам айнан “Қизча” деб номланганини эслаб ўтгандик.

“Қизча ўн ёшларда эди. Лекин ҳаммага тик қарар, ўзини катталар билан тенг тутар, шу ёшда мен билмаган ҳеч қандай сир-асрор қолмаган, деб ўйлар эди”. (370-бет)

Қизча бугунги мустақил юртининг жажжи, баркамол фарзанди. Гарчи у кичкина ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарсага тушунмайди, деб ўйлашса-да, осма-кутида қамалиб қолгач, катталар хаёлига келмаган, ўйламаган гапларни айтади.

“Қўнғироқ қилиш керак”, дея маслахат беради бир гал ва ҳамма телефонга ёпишиб кетади.

Қизча жуда ақлли, зеҳнли, гоҳо катталарнинг бунчалик ваҳимачилигидан ҳасратда қолади. Уни болаларча шўх беғубор содда лекин ҳаётий қарашлари мавжуд.

Ахир Осма-кутида қамалиб қолиши оддий бир нарсалигини, кунда бўлмаса ҳам кунаро бунақа воқеалар бўлиши ва яна қутилиб кетиши, шунга шунча бўғилиши шартми, дейди. Қизча катталарнинг ваҳимачилигидан “пашшадан фил ясаш” ларига чидай олмайди.

“Тўғри, осма кути занжири узилиб, ерпарчин бўлган пайтлар бор, дейишади. Лекин бундай воқеа юз йилда бир бўлиши мумкин!” (432-бет)

Ёзувчи “Майдон” романида шундай образ борки, агар Паноҳ бўлмаганида уни бош қаҳрамон сифатида таниш мумкин эди. Адиб О.Мухтор бу қаҳрамонини алдоҳида, илиқ ҳарорат, меҳр билан тасвирлайди.

Адиб ёши олтмишда, кўримсиз киши эди. Бироқ кўзлари бир ҳорғин, бир чакноқ, юзи бужмайган, бир ёшариб-порлаган, тикилган сайин чиройи очилиб борадиган инсонлар тоифасига кирар эди...”(370-бет)

Биламизки, ижод ахли, хусусан, ёзувчи, шоирлар ҳаётини халқдан бир қадам олдинни кўрувчилар сифатида эътироф этилади. “Халқдан олиб, халққа берган” ижодкор доим эътибор қозонади.

Осма-кутига қамалган илк паллада бу ҳолат Адибга ёқмайди.

“Мен бу одамлар билан кўришишни истамас эдим. Зерикарли... Изтироб, армон, орзу-ҳеч нарса йўқ. Унутишган”(368-369бетлар) дея изтироб чекади. Бу майдонга мослаша олмайди.

Лекин вақт ўтиб, ўзлигини англаган, одамийликни тушуниб етган одам атрофдагиларни ёқтириб қолади.

Адиб камбағал бир оилада туғилган бу афт-ангордан маълум бўлиб туради. У ҳамон қийналиб кун кечиради. У “Адиб деган ном юкини кўтаролмаётгандек, қисиниб-қимтиниб, кўзга ташланмасликка уринган ҳолатда юради”.(375-бет)

Адиб етук инсон. У ёзишни, ён атрофдаги одамлар ҳаётини қаламга олишни ёқтиради. Дунёни англаган, етук инсон. У базан бу дунёга нега келиб, нима учун яшаётганини билмайдиган одамларнинг кўплигидан ҳасрат, азият чекади. Инсоннинг ўйлагани билан сўйлагани бирлашмагунча, у баркамол, бўлмайди. Мен бу одамлар билан кўришишни истамасдим!” (380-бет) дея хулоса фикрини билдиради.

“Майдон” романи рамзларга бой, мажозий, фалсафий мушоҳада кучли мўъжаз бир роман.

“Омон Мухтор асарларидаги ўзбекларни ишхона, бозор-ўчар ёки бекатларда учратиб бўлмайди. Эҳтимол, пайқаш мумкин эмасдир. Лекин

улар бор ва такрорланмас адабий қаҳрамонлар қиёфасида ўзлигини намоён этмоқда. Ўзбек адабиёти ўзбек кишининг ўзига хос тимсолини ярата олганда, ўз-ўзидан табиий равишда жаҳон миқёсида кўтарила олади. Чунки биз жаҳонда мавжуд бўлганимиз сингари жаҳон ҳам бизда намоёндир”¹

“Майдон” романи ўзига хос бадиияти, инсон ботинининг чуқур кўрсатиш орқали образлари “Мен”лигини аниқ тасвирлай олганлиги билан романлари ичида ажралиб туради.

Асосий воқеа бир жойда – Осма-кутида, бир кунда содир бўлади. У беихтиёр бизга Чингиз Айтматов қаламига мансуб “Асрга татигулик кун” романини ёдга солади. Асардаги образлар орқали уларнинг ҳаётига боғлиқ бўлган ва бўлмаган ҳикоялари берилади. Албатта, бу ҳикоялари образ тақдирига тааллуқли, унинг ички олами, руҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи воситадир.

Хулоса қилиб айтганда, Омон Мухторнинг “Майдон” романини янгича услубда ёзган, ўзига хос изланишлар самараси, дея эътироф этиш мумкин. “Майдон” романини қаҳрамонлари замондошларимиз - уларнинг турмуши, юриш-туриши, хатто ўй-хаёлларида ҳам бугунги кун нафаси сезилиб туради.

Ёзувчининг мақсади, замондошларимиз онги шууридаги ўй-кечинмалари ҳиссиётларини ёритиб бериш.

“Майдон ” романи мутолааси жараёнида жаҳон адабиёти дурдоналари бўлмиш Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун”, Агата Кристининг “Ўнта негр боласи” романларига хос бадиий компонентлар, ”Майдон”га ҳам хос эканлигини англаймиз.

Шунингдек, ёзувчи бугунги кунда жамиятимиздаги ҳаёт муаммоларини ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Асар қаҳрамонларини турли тоифа инсонларни жамлаб, саралаб типик образ сифатида тасвирлаш ҳаётни атрофлича идрок этилганлигини далилайди. Муаллиф бу борадаги мақсадига эришган, дея бемалол айтишимиз мумкин.

¹ Қ.Йўлдошев.Ёник сўз.-Т.:2006,34-бет

1.2. “Хотин подшоҳ” романида бош ва қўшимча мавзулар

Ўзбек адабиётида, хусусан, романчилигида Омон Мухтор ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг романларида рамзийлик билан бир қаторда фалсафийлик ҳам етакчилик қилади. Сўнгги йилларда адабий жамоатчилик назарига тушган адиб романларидан бири бу “Хотин подшоҳ”дир. Унда минг йиллар олдинги даврдан бу кунгача халқимиз босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли акс эттирилган. Романнинг мавзуси тарихий бир шароит, яъни VII-VIII асрларда Хуросон ва Мовороуннаҳрга араблар босқини даври воқеалари асос қилиб олинган.

Бу воқеалар асарга бош мавзу етиб олинган бўлса, унга қўшимча мавзулар ҳам туташган. Дўстлик, севги, фидойийлик акс этган воқеаларни биз ушбу асарнинг бош мавзусига ёндош мавзулар десак муболаға бўлмайди.

Ушбу роман ҳақида ёзувчининг ўзи “Бу асарни ким тарихий, ким маърифий дейиши мумкин. У шу кунги роман, қолгани адабиётшунослар иши. Мен кўлимдан келганини ёздим. Роман тарихнинг чигал бир пайтида донолик кўрсатган аجدодларимиз ҳақида.”¹

Роман қаҳрамони оддий аёл эмас. Агар у бундан минг йиллар аввалги аёллар каби оддий инсон бўлганида адиб уни асар қаҳрамони сифатида олмас эди.

“Қуш уйқу...

У ора – орада “кўзи кетиб қолиб”, бир оз мизғир еди, холос.
Ҳеч осойишта ухлаёлмаяпди.”(3-бет)

Асар қаҳрамонининг айнан шу ҳолати тасвири билан бошланади. Оддий ўзбек аёлининг кундалик ташвиши бўлган бедорлиги балки бешикда йиғлаб ётган боласи учундир? Балки оиласини боқиш учун ҳаётнинг турли

¹ Омон Мухтор “Хотин подшоҳ”-Т.: ”Шарқ”, 2010.4-бет. Бундан кейинги саҳифаларда фақат китобнинг бети берилади.

сўқмоқларига сочиб юборилган ризқини териш учун эрта саҳар кўчага чиқиб кетган ёрини кутаётган вафоли хотин дерсиз? Балки унинг мушфик онасидир. Ё бўлмаса аҳду паймон қилиб, ёрини интиқ кутаётган сулув қиз деб ўйларсиз? Бўлиши мумкин. Аммо бу инсоннинг кимлиги асарнинг кейинги сатрларида аён бўлади. Адиб асар қаҳрамонини дарровда таништириб қўя қолмайди. Унинг изтиробларини тобора аниқроқ тасвирлаш йўлидан боради.

“Қайтиб ўрнига чўзилиб, ҳозирча ҳар хил хаёлга бормай ухламоқчи эди. Бўлмади. Олдинги хотиржамлик фароғат йўқолган эди.”(4-бет)

Демак, ташвишлар оралаганига унча кўп бўлмаган, лекин қисқа муддат бўлса-да, унда “хотиржамлик, фароғат “ йўқолган. Тўғри, у она. Лекин биргина ташвиш бу эмас, албатта.

“Ўн олти-ўн етти ёшдаги қизалоқ-келиндар тахтга ўтириб, юртга эгалик қилиш тўғри келиб қолди. У ҳали хивичдек нозик, ёшлик, ўсмирлик беғуборлиги, чиройига тўлгин.”(4-бет)

Ёш она, бунинг устига келиндар ва бутун юртга эга подшоҳ.

“Бухорода ҳам дастлабки кундан барча уни хотин подшоҳ, деб аташга одатланган”.

Ёзувчи асар қаҳрамонининг асл исмини айтмасдан аввал бир қанча тасвирларни сездирмай олиб ўтади. Асар бошида Хотин подшоҳ ухлай олмай тўлғониб ўй ўйлаб ўтирганда энага, канизаклар унинг фарзандига қарашга кириб келишади. Болани ухлатгач, ёш она яна ўйга толади ва шу ерда пейзаж тасвири берилади.

“Мана энди дераза қаршисида жонланган тўлин ой ҳамма ёқни кундузгидек нурга ўраб, унга уйқу бермаётир.”(4-бет)

Эътибор берган бўлсангиз адиб, асар қаҳрамонининг ички руҳият тасвири, бедорлиги билан бир вақтда ”тўлин ой”, “нур” сўзларини ҳам қўллапти. Сўзлар ўйини кейинги қаторда ҳам давом этиб, худди ўқувчидга бош қаҳрамон исмини ошкор этишга тайёрлаб бораётгандек гўё.

Адиб асар бошида ҳам кейинги ўринларда ҳам бош қаҳрамон исмини кўп ҳам тилга олавермайди. Бу ўша даврдаги ижтимоий муҳит сабабли бўлса керак.

Ёзувчи асар қаҳрамонини Хотин подшоҳ деб атаб кетаверади. Бунга изоҳ сифатида эса Хотин подшоҳ номи араблардан келиб чиққани, уларнинг бир қизиқ одатлари борлиги, ўз пайғамбарлари (Муҳаммад алайҳиссалом)нинг аҳли – оиласи Хадича, Ойша, Фотима – онамиз, деб тилга оладилар-у, бошқа аёлларни исми билан аташни гўёки макруҳ санашини ва бухороликлар ҳам кўпроқ шунга мойилликларини, илк кунданок Хотин подшоҳ дейишга одатланишганини келтириб ўтади.

Ёзувчи Хотин подшоҳнинг исмини шунчаки, йўл – йўлакай “унинг исми бор эди” қабилида иш тутмайди. Балки, халқимизда бир гап бор: ”исми-жисмига мос экан” нақлига кўра асар қаҳрамонининг ҳам исми – жисмига мос эканлигини исботлаб беради.

“У деразага тикилиб, тўлин ой нурига ўраниб ётганича, шуларни ўйлади.(4-бет)”

Зийрак ўқувчи бир саҳифанинг ўзида “тўлин ой, “нур” сўзларининг қўлланишидан “Тўлғаной”, “ёки “Нурой” бўлишини тахмин этади. Адиб эса маълум тайёргарлик босқичидан сўнг асар қаҳрамонининг исмини баён этади.

“Дарвоқе, унинг исми Ойну́р эди”(4-бет)

Унинг исми ҳаётда бўлгани каби асарда ҳам камёб. У асар бошида ва асар ўртасида Саййид ибн Умар билан суҳбатида эсланади, холос.

Хотин подшоҳнинг дарди,унинг уйқусини бузган, оромини ўирлаган ёри, фарзанди эмас, балки “дарёда бир неча сол тинмай у ён – бу ён ўтаётгани”,яъни юрт тинчлиги,осойишталигига раҳна солаётган арабларнинг қайиғи эди.

Романни ўз номи билан айтадиган бўлсак, юрт бошлиғи Хотин подшоҳ – Ойну́р ҳақида. Асардаги қаҳрамон бизга беихтиёр Тўмарисни эслатади.

Ёзувчи бу ерда ҳам ҳақиқатдан юз ўгирмайди,хатто бу ҳақда бош қаҳрамоннинг хабардорлигини ҳам яширмайди.

Хотин подшоҳ Тўмарис тўғрисида ҳам эшитган.Феъл-атвори ўхшамаса-да,бу Аёлни яхши кўрар еди.(10-бет)

Ёзувчи Хотин подшоҳ қиёфасида унинг қисматини очиб беради. ”Шу дам Хотин подшоҳ қиёфасида ёлғиз (бева) қолгани алами-ю,паришонлик ва шиддат қоришиқ акс этган эди”(17-бет)

Хотин подшоҳ ёш, тажрибасиз, бунинг устига бева. Гарчи у аёл бўлса ҳам элнинг бошлиғи, юртбоши. Демак, у мамлакат ишлари билан машғул бўлиши, халқни яхшиликка, эзгуликка даъват этиши, ёмонлик, ёвузликдан қайтариши,истаган одамига жазо бериб,истаган одамига сарпо кийгизиши мумкин. Энг муҳими, у юртнинг тинчлигини сақлаши лозим.

Эл ҳам унга бўйсунди, итоат этади. Хотин подшоҳ халқ айтганчалик “қизалоқ-келинчак ” эмас. У ҳаётга энди қадам қўйганига қарамай, босиқ ва тадбирли эди. У ҳаётда, айниқса, икки нарсани адолат ва интизомни муҳим деб биларди. Айнан мана шу икки нарса халқни бахтли этади, деб ишонарди.

Балки мана шу сабаблар учун бўлса керак, мамлакат аҳли ўз подшоҳига ишонар,унинг хизматига шай туришарди.

Навоийнинг “”Сабъаи сайёр” достонидан бизга маълумки, ишқ ва шохлик бир вужудга сиғмайди. Шох бўлган одам ҳақиқий ишқ соҳиби бўлолмагани каби ҳақиқий ишқ эгаси юртга бошчилик қилолмайди.

Бу романдаги ҳодисалар Баҳром шохдан ҳам илгарироқ содир бўлганини кўриш мумкин. Яъни, тарихдан маълумки, тахтга ўтириш мисли йўқ ҳодиса,айниқса аёл кишининг. Лекин Хотин подшоҳ биндан хурсанд бўлмайди. Бу унинг пешонасига ёзилган тақдир. У шох бўлиши билан бирга меҳрибон она. У нафақат ўз боласига балки,бутун элига ҳам она.

“Эрталабдан буён унинг кўз олдида бир манзара кетмайди.

У – она.

Тахтга минган кунлари ўғлини ёқотиб қўйган бир она кўчада йиглаб бораётганини кўрган эди.

Мана, энди бутун Бухорони йўқотиб қўядигандек ҳолатни туйиб, кўчадаги аёл ёдига тушган, ўзини вазмин тутгани билан, ичини ит талаётган эди.”(19-20 бетлар)

Ёзувчи шу кичик эпизод тасвири орқали асар қаҳрамони елкасидаги юк нақадар маъсулиятли эканлигини очиб беради.

Қадим-қадимданоқ инсонларни бойлик қизиқтириб келган, урушлар, вайронагарчилик, хоинлик, қатл, ўлимлар ҳам айнан шу бойлик учун рўй берган. Агар хотин подшоҳ тинч замонда яшаётганида у бунчалик машҳур бўлмас, ундаги Тўмарисга хос сифатлар кўринмас эди.

Роман воқеалари тарихий чигал бир шароитда, VII-VIII асрда Мовароуннаҳрга араб босқини ва ислом динининг кириб келиши, ёйилиши даври воқеалари акс эттирилгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Айнан тарихий давр, шароитнинг пайдо бўлиши, Хотин подшоҳнинг узида мавжуд мардлик, оқилалик, донолик ҳислатларини намоён этишига бир сабаб бўлган эди. Агар у тахтга ўтирган вақти тарихий даврда тинчлик ҳукм сурганида, Хотин подшоҳ ҳам изсиз тарих саҳнасидан ўтиб кетар, бошқа оналар каби ўз фарзандини вояга етказиб, оламдан ўтар эди.

Демак, тарихий шароит қалтис экан, инсонлар ҳам шу вазиятга мослашиши лозим.

“Ёш, нозик бир вужуд умрини гаровга қўйиб, жон фидо ҳолда салтанат аравасини тотгани кам, мана, энди у савлатли-кўркем юртни хароб бўлишдан, ўз тирикчилиги билан машғул заҳматкаш халқни саргардонликдан, қон ютишдан асраши кўксини қалқон қилиши керак.” (22-бет)

Хотин подшоҳ образи орқали биз эл-у юртини ўйлаган инсон сиймосини кўрамиз. У, энг аввало, мураса йўлини танлайди. Юртни, халқни эсон-омон туриши, яшабини хоҳлайди. Бу ўринда ҳеч қандай бойликни аямайди.

Араблар босқини даврида хазинадаги кўплаб бойликларни араб лашкарбошисига тақдим этиб, тинчлик сулҳига эга бўлиши бунинг ёрқин далилидир.

У халқнинг олтин, кумушдан кўра афзал бойлик деб билиши чинакам ватанпарварлик деса бўлади.

Мумтоз адабиётимиздан маълумки, нозиклик аёлларга хос. Ғазалларда маъшуқанинг чиройи, унинг нозиклиги куйланади. Лекин Хотин подшоҳда бу ҳийла четлашган “У йигитлардек отга миниб, қилич тақиб, олдинда борди. Биринчи бўлиб қилични қинидан чиқарди.” (43-бет)

Бу тасвир орқали биз “Алпомиш” достонидаги Барчиной ҳолати кўз ўнгимизда намоён бўлади.

“Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,

Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?

Йиқмасангиз, тўрам, навбат тилайин,

Эркак либосини ўзим кияйин.

Бор кучимни билагима жияйин,

Бул қалмоқни пора-пора қилайин.”

Дарҳақиқат, Хотин подшоҳ бошқа аёлларга ўхшамаган, унда эркакларга хос куч-қувват, ғайратли, фаол, ақлли, чуқур мулоҳазали аёл эди. Унга узок ғамга ботиб ўтириш ёки ҳали йўқ нарсадан хавотирланиб ташвишланиш туйғуси бегона “Кўпинча юз берган аҳволдан келиб чиқиб иш тутишга одатланган, ғайратли, фаол эди.”

Асар давомида биз қаҳрамоннинг ўзига хослиги, мардлиги, характер-хусусияти оригиналлигини билиб борамиз. У ҳеч кимга ўхшамаган ҳукмдор.

“Ҳеч бир Бухоро ҳукмдори ундан олдин ҳам, кейин ҳам қолмаган иш-яна хар куни ҳисор (Арк)дан отда чиқиб келиб, дарвоза олдидаги тахтда ўтирар, деҳқонлар ва маликзодалар, саркардалар ва беклар билан мажлис куради.” (49-бет)

Умуман, у халқ билан доимо бирга. Амалдор билан амалдордек, фуқаро билан фуқародек гаплашар, халқ дардига қулоғини тутати, эл қайғурса бирга қайғуриб, севинчига шерик бўлади. Хуллас, ” у журъат, ўктамлик билан юртни қўлида итоатли тутса-да, ёш жувон (кечаги қизалоқ) эди.” (5-бет)

Хотин подшоҳ тахтга ўтиргач, она сифатида фарзандига қаради, юртнинг бошлиғи сифатида от миниб, қилич ушлаб жангга кирди, ёв душман билан музокара ўтказди. Лекин, у, энг аввало, инсон – аёл еди. Муҳаббат аталмиш тилсим ҳам уни четлаб ўтмади. У ўз юртига бостириб келган саркарда Саййид ибн Усмонни ёқтириб қолади.

“Унинг ҳам бу муҳаббатда маъно йўқлигига ақли етади. (Аммо юракка буйруқ бериб бўлмас экан-да!)”. У Саййид ибн Усмоннинг барча “ожишлик”ларини била туриб, уни севган эди. (Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари шумикан?!)(53-бет)

Хотин подшоҳнинг ўз “душман”и бўлмиш саркардани севиб қолиши натижасида унда руҳий коллизия юзага келади. Айнан шу ерда унинг ўзбек аёлларига хос қабарик туйғулар жилоси аксланади. У биринчидан она. Бидун Бухорхудот (жангда вафот етгач, эрининг ўрнига юртга бошлиқ бўлган эди) билан қовушган, ундан жондан азиз фарзанд кўрган. Эри вафот етгач юртга бош бўлди, дунёда шу бола деб, у Бухорхудотни севмас, севиб эсламасди.

Иккинчидан у бутун Бухоронинг таянчи, юрт эгаси. Такдирнинг ўйинини қарангки, у ўз юртига босқинчилик қилиб келган “душман”ини севиб қолади. “Душман” ҳам бир кўришда ёқтириб қолгани шубҳасиз эди, албатта.

Миллий адабиётимизда асар қаҳрамонига унинг характери, ташқи кўриниши, жамиятдаги ўрнига қараб бадиий юк ташиш учун алоҳида танланган исмлар қўйишади. масалан, ”Ўткан кунлар”да Отабек, Кумуш, “Уфқ”да Жаннат хола, Азизхон ва бошқалар.

Омон Мухтор ҳам “Хотин подшоҳ” романидаги бош образга бекорга Ойнур дея исм танламайди. Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек “исми жисмига мос” эканлигида.

Романнинг кўп ўринда Хотин подшоҳ исми тилга олинавермайди. Гох унинг ҳолати, гох персонажларнинг зукколиги, топқирлиги ҳамда образнинг ташқи қиёфаси унинг исмини ошкор этиб туради. Хусусан, унинг Саййид ибн Усмон билан учрашуви фикримиз далили:

- “Сен ойга ўхшайсан. Сенда маҳзун бир нур бор!

Мен ўзи Ойнурман!-деб юборди хотин подшоҳ.У бир қалқиб тушган эди.”

Ойнур ёш келинлигида бева қолди. Бу ўша юзидаги маҳзунлик. Адиб бевосита урушни қоралапти. Дунё яралганидан бери инсонлар бир-бири билан уришмай бирор кун яшаганмикан? Агар уруш бўлмаганда Ойнур эри билан бахтли бўлмасмиди, жажжи фарзандини бирга катта қилишмасмиди? Агар уруш бўлмаганда ҳозир аёл боши билан араб саркардаси – Саййид ибн Усмон қароргоҳига бош эгиб келмасмиди?!

Лекин шунча ташвиш, заҳмат чекса ҳам унинг юзида ойга ўхшаб нур бор ёруғлик бор.

Хотин подшога Ойнур исмини танланишида ўзига хос рамзий ишора бор.

Ислom оламида ой-тинчлик, кут-барака тимсоли ва муқаддас саналади. У эса элига тинчлик, тўкинлик,ҳаловат олиб келади.

Яна шундай дейиш мумкинки, Бухорони икки ой кечаси ёритиб туради. Бири осмондаги ой бўлса, яна бири ердагиси, саройдаги –Ойнур. Чунки унинг тунлари доим бедор, ҳаловатсиз. У гарчи мағрур юрт эгаси булса-да, у аёл еди. У муҳаббатга ошно қалб эгаси. Лекин чин ўзбек аёли. У дарровда Севганини этагидан тутиб кетмади. Гарчи қийинчилик билан бўлса-да, ўз сўзида, вафосида собит турди. Халқ, эл-юрт манфаатини, ўз манфаатидан устун қўйди, вафоси, садоқати унинг чин ўзбек аёли эканлигини намоён қилди. Эрига айтган монологида юқоридаги сўзлар ўз тасдиғини топади.

“Бидун! Сен мени ёқтирган эдинг. Биз яхши яшадик. Аммо мен бошқани севиб қолдим! Кечир мени. Бу муносабат нима билан тугайди, Тангри билмаса, мен билмайман. Бош оққан томонга кетаётган одамга ўхшайман. Сен мени тушун, Бидун!”

Хотин подшоҳ қонида буюк аجدодларимиз қони, момоларимиз қони, Тўмарис қони жўшиб оқади. Қадимда Тўмарис форсларни лол қолдирган,уларни енгган, донғи дунёда тарқалган бўлса, (ахир “тарих отаси” Геродот ўзининг 9 томлик “Тарих” китобида у ҳақдаги ривоятни келтириб ўтади) Ойнур ҳам мардлик, жасурлик бобида Тўмарисдан қолишмайди.

“Хотин подшоҳ эса ўз душмани устига дарғазаб бостириб бориб қилич солди... журъати шиддатида араблар ҳангу-манг бўлишди”.(67-бет)

Араблар аёлларнинг ўз мамлакатада ожиза сифатида билишар, от чопиш тугул,қилич ушлашни ҳам тасаввурларига сиғдиrolмас эди.

Достонларда бўлгани каби Хотин подшоҳ ҳам ўз муҳаббатига эриша олмайди. Мадинада рўй берган воқеа,фожеа хабар бутун Бухоро ғамга кўяди.

Бундан олдин Хотин подшоҳ билан Саййид ибн Усмон муносабатлари анча яхши, гоҳ кўришиб, гоҳ мунтазам хат ёзишиб туришарди.

Самарқандга юриш олдидан Саййид ибн Усмон шарт кўяди. Бухородан 80 нафар сарой аҳли ва йирик шахсларни гаровга бериш. Хотин подшоҳ ноилож рози бўлади, азбаройи юрт тинчлиги учун. Аммо Усмон ваъдасига вафо қилмайди. 80кишини,80 хонадонни бўзлатиб, асирларни мадинага олиб кетади. У ерда фожеа рўй беради. Бухоролик 80 киши Саййид ибн Усмонни ўлдириб, сўнг ўзларини ҳам ўлдиришади. Бу фожеавий ўлим подшоҳга каттиқ таъсир қилади.

“Ранги оқарган – тахтга қапишиб қолган эди” кун бўйи хобхонада эшикни беркитиб ўтирди.

Ўз фуқаролари учун ҳам ва Саййид ибн Усмон учун ҳам мотам тутмоқчи эди!

Хотин подшоҳ даври ўтди. У қариди. Лекин умри давомида юрт учун яшади, тинчлик учун ўз ҳаловатидан кечди.

Асар сўнгида одамларнинг Ровий билан суҳбати асар моҳиятини очиб берди.

-“Хотин подшоҳдан нима қолди?

-Бухоро аҳолисига, Бухорога меҳр қолди. Бухоро билан фахрланиш қолди.”

“ Хотин подшоҳ романида бизнинг ўзбек халқимизнинг босиб ўтган шонли, ўта мураккаб ҳаёти акс эттирилган. Унда эзгулик ва ёвузлик жанги акс этган. Биламизки, тарихдан жуда кўп ҳукмдорлар ўтган. Хусусан, аёллар ҳам (Тўмарис афсонаси). Лекин мамлакат аҳволи ҳар жиҳатдан у ким бўлишидан қатъий назар аёлми, эркакми, хуллас, Инсонга боғлиқ. Асар шу ҳақда. Хотин подшоҳ тарихнинг чигал бир пайтида донолик кўрсатган аجدодимиз мард Тўмарис авлоди ҳақида.

Роман инсонга эстетик завқ беришдан ташқари, инсонда фахрланиш туйғусини уйғотади.

Бизнинг халқимизда донолик, мардлик, кучлилиқ нафақат эркаклик, балки аёлларга ҳам хослиги, ҳар бир инсон у аёл бўладими эркакми ватанини севиши, асраши, тараққиёти учун курашиши зарурлиги, халқ фаровонлиги,эл тинчлиги учун ҳар кимса ҳисса қўшмоғи лозимлиги, биз буюк тарих эгаси, мард, жасур момоларимиз, боболаримиз авлоди эканлигимизни ушбу романни ўқигач, яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тадқиқотимизнинг юқоридаги фаслида кўрилган масалалар юзасидан куйидаги якуний хулосаларга келиш мумкин:

- “Минг бир қиёфа” романида танланган мавзу,асар ғояси роман номиданок сезилиб туради.Инсоннинг фоний дунёда ҳалол яшай оладими,ёки бу йўлда минг турли қиёфага кирадими,йўқми асар айнан шу ҳақда;

-ёзувчи қаҳрамон ички руҳиятини очиб беришда фантастик-ҳаёлий воқеалардан фойдаланади,бунга Абдулла Ҳакимнинг ўғирланиши ва аксар воқеалар нариги дунёда содир бўлишини кузатиш мумкин;

-бош қаҳрамонда ёзувчининг шахси мавжудлиги, яъни Абдулла Ҳакимнинг таниқли ижодкор эканлиги;

- “Минг бир қиёфа”да бир қараганда бир-бирига алоқаси бўлмаган, лекин ғоявий жиҳатдан бир-бирини тўлдфириб турувчи уч қаҳрамон - Абдулла Ҳаким,Садиржон ва Насриддин Афанди образлари мавжудлиги;
- “Хотин подшоҳ”романига бош мавзу қилиб тарихий воқеалар Тўмарисдан кейинги машҳур сиймо Ойнур ва Бухоро салтанатида рўй берган тарихий воқеалар асос қилиб олинган бўлса-да, муҳаббат, дўстлик, садоқат каби мавзулар романга қўшимча мавзу сифатида олинганлиги;
- Омон Мухтор полифоник романлар ижодкори эканлиги унинг “Тўрт томон қибла” трилогиясида кўринганлиги;
- Адибнинг Навоий сиймосига янгича қарашлари унинг яна бир тарихий мавзудаги “Навоий ва рассом Абулхайр” дилогиясида намоён бўлганлиги;
- бадий нутқнинг ички монологлардан,фалсафий мушоҳадага кенг эътибор берилганлиги;
- муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати қаҳрамонлар кўнгил оламини,кечинмаларини,руҳиятини тасвирлашда кўринади;
- асар ғоясини очишда шеърӣ парчалардан ҳам фойдаланганлигини кўриш мумкин.

II БОБ

Ёзувчи романларида образлилик

2.1. “Минг бир қиёфа ” романида бош қаҳрамон масаласи

Омон Мухтор романларининг аксари бадий илмий тадқиқотга яқин бўлиб, чуқур мушоҳада юритилса, бизга нотабий туюлган ифода, мавзу, катта услуб орқали ўзимиз, ўзлгимиз, Шарқ тафаккури бадий инкишоф этилганини англаймиз. Воқеликнинг худди шундай инсон ва коинот, инсон ва жамият нуқтайи назаридан “нотабий” бадий тасвир воситалари орқали бадий ифодаланиши ўзбек романчилиги таснифидаги ноанъанавий романлар тамойилини очиб беради, десак адашмаймиз.

Ўзбек романчилигида ноанъанавий роман жанрининг шаклланишида ўз ўрни бор. Омон Мухтор ўзининг “бадий таълимот”ларнинг замири нимада, уларнинг келажиги қандай ?”-деган саволга жавоб излаб, ёзувчининг ўзига хос услубини ўрганиш мақсадида уни таҳлил қилар эканмиз, бу романларида назм ва насрнинг уйғунлашиб кетгани, унинг ҳис туйғулари, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, ўй – ҳаёллари лиризм билан суғорилганини кўрамиз.

Давр ўтмоқда, замон ўзгармоқда. Кечаги шов-шувга сабаб бўлган асар бугун ўқувчини қониқтирмаслиги мумкин. Бу билан биз асло вақт ўтиши билан ҳар қандай асар эскиради, истеъмолдан чиқади, демоқчи эмасмиз. Аксинча, бадий асарнинг ҳақиқий қийматини баъзан вақт масофаси ҳам белгилайди.

Роман тафаккури таклиф этган фалсафий баҳсда ўқувчи тайёр бўлмаган аксар ҳолларда шундай жараён кечишини Пруст, Жойс, Кафка романларининг тақдиридан ҳам англаш мумкин.

Ёзувчининг “Минг бир қиёфа” романининг таҳлилига эътибор қаратсак. “Ким ўқисин–ким ўқимасин, очигини айтишим керак: бу – ҳаёлийми, фалсафийми, шунақа бир асар!

Албатта,ёзувчи ҳар қандай асарда ўзи кузатган – эшитган,кўрган ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиради. Лекин барибир,бу асар кўпроқ ҳаёл маҳсули; мен ҳаётдаги аниқ воқеалар,одамларни-бўёқ бериб, умумлаштириб юборишга ҳаракат қилганман.

Асардаги ҳикоятларга, асосан, ҳар хил одамлар учраганидан, кимгадир улар бир-бирига деярли боғлиқ эмасдек туюлиши мумкин. Аммо зийрак ўқувчи, нега уч ҳикоят яхлит асар деб аталгани, маъно ва мазмун нимадан иборат эканлигини ўзи илғаб, олади деб ўйлайман.

Яна бир гап. Ушбу асарни барча-дунёда бўлган, бор, туғилажак энг гўзал инсонларга бағишладим... ”

“Минг бир қиёфанинг асосий сюжет чизиги истеъдодли шоир Абдулла Ҳаким, Бурҳон Шариф, Садиржон ва Насриддин каби образлар ҳаёти бўйлаб ўтади. Асарда Абдулла Ҳаким бош қаҳрамондир.

Унинг “дунёси ва бу дунёси асарда воқеалар силсиласида ривожлантирилиб, тасвирлаб борилади. Бурҳон Шариф, Садиржон ва Насриддин кабилар эса асосий образлар ҳисобланади. Уларнинг бу дунёсидан асарда лавҳалар чизилади. Шунингдек, асарнинг ёрдамчи образларига Ҳалима, Гулҳумор, Ботир Оппоқов, Кабиров, Раҳим иккинчи, Ғуломжон ва уч киши - бўй баста лилипутдан сал каттароқ, қаримсиқ-кўса, қош-кипригини илғаш қийин бўлган, боши устарада тақир қирилган кимса ... чўтир ғилай бир зот” кабиларни кўрсатиш мумкин.

Романда 3та ҳикоят мавжуд.

Биринчи, ҳикоят 4 манзара, қолган икки ҳикоят эса яқка манзаралар чизгиси асосида қурилган. Буларда 1-ҳикоятдаги 1-манзара “Тутқун” да Абдулла Ҳакимнинг қорчалонлар қўлида асирдалиқ кечмиши, унинг олдинги ҳаёти ва ўлими воқеалари тасвирлаб берилади (“Чинор” Акбарали тақдирига ўхшаш).

Жамиятда ҳар хил мақсад ва маслак йўлида яшаётган турли тоифага мансуб кишилар борки, улар орасида бойлик ва мартабага эга бўлиш учун, ўз истакларини амалга оширишда инсон ҳаётига хавф солишдан тап тортмайдиганлар ҳам учраб туради. Бундайлар ўз режаларини амалга оширишда инсон ҳаётига хавф солишдан ҳам қайтрмайдилар. Бундай тўдаларнинг ашаддий душмани ҳақиқатпарвар ва ҳалол кишилардир.

Асарда тасвирланган қаримсиқ-кўса, қош-киприги рангсиз, сочи устарада қирилган кимса чўтир, ғилай киши образлари ҳаётда келажак учун яхши ном қолдирмай, қинғир - қийшиқ ишлари билан кўпчиликнинг нафратига сабабчи бўлган тўдаларнинг тимсоли сифатида бадиий талқин қилинган. Улардга қарши курашувчиларнинг тимсолий қиёфаси эса Бурҳон Шариф ва Абдулла Ҳаким образларида мужассамлаштирилган. Инсон дунёга бир мартта келади,

ана шу имкониятдан ҳар ким ўзича фойдаланади. Дейлик, бировлар ўзларининг эзгу ишлари билан яхши ном қолдириб, инсон деган шарафли номга эга бўлса, баъзилар ёвузликлари билан одамзодга иснод келтиришади. Асарда ана шу муаммога ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, Абдулла Ҳаким ўзга бир шахсга қиёфадош, яъни ўхшаш бўлгани учун унинг ўрнига вахшийларча ўлдириб юборишади. Аслида эса унинг ҳеч қандай айби ҳам, заррача гуноҳи ҳам йўқ эди. У ўзининг ана шу қисқа ҳаёти давомида бирор марта ҳам ёлгон гапирмаган, кишининг ҳақиқа кўз олайтирмаган, хиёнат кўчасидан юрмаган, ўғирлик нималигини билмаган, бегона аёлларга хирс билан қарамаган покиза одам эди. Бундай олиб қараганда, мусича-ю беозор ва бегуноҳ шоир. Ёзувчи уни ҳар қандай иллатлардан ҳоли қилиб тасвирлаган.

У бу дунёда якка ёлғиз, уй-жойсиз, қорни тўйиб овқат емай, усти ҳам юпун ҳолда яшаган. Бунинг устига муҳаббат борасида ҳам омади чопган эмас. У бу ёруғ дунёда роҳатдан кўра азоб-уқубатни кўп кўрган.

Ёзувчи бу дунёда кўп такрорланадиган жаннатий одамнинг қиёмат кундаги азоб уқубатларини, аҳволини тасвирлайди. Бировнинг, яъни Бурхон Шарифнинг номи билан ўлдирилган ва дафн этилган Абдулла Ҳаким у дунёда ўзи учун жавоб беради. Яъни бу дунёдан биров учун нариги дунёга рихлат қилган бўлса-да, у дунёда ўзи учун ҳисоб беради. Натижада дўзах азобини кўриб, оғир жазога мубтало этилади. Сўнгра жаннатга, яшил водийга ўтади.

Унинг гуноҳи бу дунёдалиқ вақтида ароқ ичганлиги ва муҳаббатда омади юришмаганлиги боис тушкун кайфиятда тирик мурдадек яшаганлиги, унга берилган имкониятлардан фойдаланмай дунё завқ ва шавқини унутганлиги, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бефарқ бўлганлиги, қолаверса ёлғиз ўзи умргузаронлик қилиб ёлғиз яшаб юрганлиги, ўзлигини англаб олмаганлиги учун жазоланади.

Китобхонда ёзувчи бу билан нима демоқчи деган савол туғилади. Бизнингча, адиб инсонга Оллоҳга шукр қилишни ҳам билиш керак, демоқчи. Оллоҳ синовларига чидаш билан биргаликда инсон ўтган вақти учун эмас, келгусида келадиган дақиқа ташвишида ҳам яшаши керак. Зеро, умрнинг ҳар бир дақиқаси ғаниматлигини ўқувчига эслатиб қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳикояда тасвирланишича, сафардан қайтиб келган Бурҳон Шариф Абдулла Ҳакимнинг қабрига ёдгорлик ўрнатади. Ўзи учун жон берган бу бегуноҳ кишининг руҳи олдида абадул-абад қарздор эканлигини ўйлаб, унинг номини абадийлаштириш чораларини излайди.

Иккинчи, “Парвоз” да эса А.Ҳакимнинг танидан ажраб чиққан руҳи, жасадини қабрга қўймагунларича ундан ажролмай, ўз жасадини таъқиб қилиб юрганлиги манзараси чизилади.

Асардаги иккинчи ҳикоя мана шу ниятнинг амалга ошмай қолганлигини тасвирловчи лавҳа билан бошланади. Ёзувчи бу ҳикоясига “Олисдаги одам” деб сарлавҳа қўйган. Лекин бу ҳикояда тасвирланган воқеалар аввалги ҳикоясидаги сюжет тизимининг бевосита давоми эмас, яъни ҳар икки ҳикоя воқеалари бир-бирини тўлдирмайди. Асарда бутунлай янги тасвир ҳукмронлик қилади. Асарнинг ўқ чизиғи ҳам бошқа йўналиш бўйлаб боради. Бунда Садиржон ва унинг севгилиси Гулҳумор тақдири билан замон руҳининг муштарак бир уйғунлигининг бадий ифодасини кўрамиз. Садиржон шифокор ва ошиқ. Асарнинг бошидан охиригача у шундайллигича қолади. Ўз ва ўзгалар ҳаёти ҳамда қисмати учун ҳеч нарса қилмайди. Тасвирдаги воқеалар унинг хотираси орқали рўёбга чиқади. Гулҳумор эса Шўро сиёсатининг иллатини аёвсиз фош этувчи образ. У “Тарих маданияти” деб номланган бир ташкилотда ишлайди. Шўролар ҳукумати сиёсати даврида миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий анъана ва маънавий бойликлар имкон даражасида йўқ қилинишига маҳкум этилган эди. Бунга асосан мачитлар, мадрасалар, авлиёлар қабри, зиёратгоҳ жойларнинг бузилиши ота-

боболаримиз сув ичган муқаддас чашмалару, зилол сувли қудуқларнинг йўқ қилиниши учун савобсиз ва манқурт кишилар қандай хизмат қилганлиги қанчалик “жонбозлик” кўрсатганлиги Гулҳумор образи орқали ёрқин бадиий бўёқларда тасвирланган. Гарчи бу мавзу янгилик бўлмаса-да, ёзувчи янги бадиий шалк ва янги поэтик талқинда бу мавзунини ўзига хос тарзда ёритадики, адиб маҳоратини намойиш этадиган ўринлар кўп учрайди. Асарда бугунги кунда жамиятдан узилиб қолган, узок, саҳрода жойлашган 9 қаватли мармар бино фаолиятини давом эттираётганлиги тасвирланган бўлса-да, ўша 9 қаватли бино ичидагилар ўзларини бамисоли жамиятнинг фидойилари қилиб кўрсатадилар. Аслида эса уларнинг замони аллақачонлар ўтиб кетганлигини адиб очиқ ойдин кўрсатиб берган. Чунки бу бино шаҳардан бир кунда йўқ бўлиб қолган. Лекин шаҳар марказидаги шундай маҳобатли бу бинонинг бирданига йўқ бўлиб қолганлиги Садиржондан бошқага билингани йўқ. Чунки бу бинода фаолият кўрсатаётганларнинг бугунги жамият ҳаётида ўрни йўқ эди. Садиржоннинг изтироблари бу бино ва унда фаолият кўрсатаётган ташкилотнинг ғойиб бўлганлиги учун эмас, балки севгилиси Гулҳумордан ажралиб қолганлиги учун юрагини кемираётган айрилиқнинг исёни эди. Орадан анча вақт ўтгач асарда тасвирланган воқеалар силсиласида яна Бурҳон Шариф пайдо бўлди. Гулҳуморнинг қўлига Абдулла Ҳакимнинг шеърлар дафтари тушиб қолган эди. Ана шу дафтардаги шеърларни ёдлаб юрган Садиржонга Бурҳон Шариф ёрдам қўлини чўзди. Натижада севгилисининг висолига етишишдан умидини узаётган Садиржон у билан дийдорлашади. Аммо Ватан, юрт, миллат, еттиқод, муҳаббат ва садоқат каби инсоний туйғулардан тамомила мосуво бўлган бу қиз йигитнинг дарду аламлари ва изтиробларидан кўра ўзи учун муқаддас деб билгани - ўша 9 қаватли бинодаги тор муҳит қобиғини ёриб чиқолмайди. Ёзувчи ман шундай обрзни тасвирлаш орқали ўз миллати дардидан кўра ўз шахсий манфаатларни устун қўйган манқурт кимсаларни фош этиш билан бирга бугунги кун ўқувчисини ҳам маънавий камолликка ва огоҳликка чақиради.

Учинчи, “Гўр азоби” ва тўртинчи “Сўнги кун” манзараларида Абдулла Ҳакимнинг жасади қабрга қўйилган пайтдан қиёматгача бўлган вақтгача кутиши, яъни Барҳаз даври (узоқ давр) аталмиш вақт оралиғи воқеалари ва бу даврда фаришталар (Мункар Накир) билан қилган савол жавоблари, шунингдек, қиёмат куни машҳаргоҳдан тўғри дўзахга равона бўлганлиги (А.Орипов “Жаннатга йўл”), сўнги гуноҳларига яраша жазони ўтагач, Фоний дунёда қилган яхшиликлари учун жаннатга кетганлиги воқеалари тасвирланади.

Романнинг биринчи ҳикоятида Абдулла Ҳакимнинг фоний дунёдаги фожеали ҳаёти ва боқий дунёда қилган гуноҳлари учун бир оз муддат жазони ўташи, сўнг савоб ишлари учун мукофотлангани, жаннатда роҳат - фароғатда яшашга ҳукм этилганлиги воқеалари тасвирланади.

Шу билан Абдулла Ҳаким романда бошқа кўриниши бერмайди. Фақат романнинг катта қисми ҳисобланган “Олисдаги одам” ва “Афандининг болалиги” каби ҳикоятларининг айрим ўринларида Бурҳон Шариф, Ҳалима ва Садиржонлар томонидан эсланади, хотирланади. Шунингдек, бу ҳикоятларда Абдулла Ҳакимнинг асарлари - шеърлари ва насрий “узунди ўйлари” муаллиф томонидан очиқдан-очиқ ўқувчига ҳавола қилинади.

Абдулла Ҳаким шеърларининг асарда берилиши наср ва шеър уйғунлиги таъминлаган. Асарда шоирнинг севги, она, ер, Ватан ва Насриддин Афанди ҳақида ёзилган шеърлари ўрин олган.

Романнинг иккинчи “Олисдаги одам” ҳикоятининг сюжетида Садиржон фаол иштирок этади. Унда Садиржон Гулҳумор исмли қизни севиб қолиши ва севгилисининг муҳаббатда бебурдлик қилиб, мансаб, нафс қурбонига айланиши манзаралари чизилади.

Учинчи ҳикоят “Афандининг болалиги”да эса, Насриддиннинг болалиги, унинг ҳаёт сўқмоқларининг турли йўллари босиб ўтганлиги манзаралари тасвирланади.

“...Адабиётда анъана бўлиб келган ижобий ва салбий қаҳрамон тушунчаларидан кечдим,-дейди ёзувчи.- Инсоннинг ўзида ҳамма эзгулик ва ёвузлик мужассам, деган қадим Шарқ фалсафасига таяндим. Мана эсласангиз “Минг бир қиёфада” Абдулла Ҳакимнинг гуноҳлари бор ва эзгу ишлари ҳам кўп. Бурҳон Шариф ҳам шундай.Ҳеч бир қаҳрамон юз фоиз салбий ҳам ижобий ҳам эмас.”(418-б)

Учинчи ҳикоя эса ўз навбатида Бурҳон Шариф билан Садиржонларнинг Абдулла Ҳаким қисмати ва ижодини ёдга олишлари тасвири билан бошланади. У чинакам ижодкор ҳақиқий истеъдод соҳиби эканлиги тан олинади. Энди Бурҳон Шариф асардаги биринчи ҳикояда берган ваъдасининг устидан чиқиши учун фурсат келганлигини китобхон сезади. Лекин асар охирида оғир бетоб бўлиб қолган Бурҳон Шариф ўзининг айбларини бўйнига олади. Инсоннинг ҳамиша бир елкасида Раҳмон юрса, иккинчи кифтида Шайтон юради деб нақл қиладилар. Бурҳон Шариф ҳам Худонинг бир бандаси, бошқа одамларга ўхшаб у ҳам хато қилиши, гуноҳ қилиши турган гап. Унинг қалби ҳам худбинликлардан холи эмас. Шу боис Абдулла Ҳакимнинг севгиси билан бирга яшаган. Бурҳон Шариф марҳумдан ўз хотинини қизғаниб ўзи учун жонини ҳам аямаган кишининг қабри устида берган ваъдасини бажармайди. Натижада узок йиллар унитилган кишини ўз ўлими олдидан эслаб,қилган ишларининг нотўғрилигини ўйлаб,виждон азобларида қийналиб, ўз хатоларини гарчи кечроқ бўлса-да ,англаб етиб, ўзининг афсусланаётганини Садиржонга билдиради. Ана шу билан бироз бўлса-да, виждони олдида поклаб ҳам олади.

Асарда келтирилган Абдулла Ҳаким дафтарида кўчирмадек киритилган Афанди латифалари, Насриддин Афанди ҳақидаги шеърлар ривоятлар романга ўзгача руҳ,жозоба берган. Дарҳақиқат, асар қаҳрамонлари Абдулла Ҳаким ҳам, Бурҳон Шариф ҳам,адабиётимизда одат тусига кирган на “ижобий” на “салбий” қаҳрамонларнинг биронтасига ўхшамайди. Улар бир

пайтнинг ўзида хокисор, забун, нотавон, ҳам фидойи-жасур, ҳамгуноҳкор-қусурли, ҳам савоб

қилган одамлар. Лекин шуниси ҳам борки, ”ижобий” ҳамда “салбий” тушунчалар онгимизга ўтиришиб қолгани учунми беихтиёр уларни “ижобий” образлар деб кетаверамиз. Ва улар йўл қўйган хатоларни, бўлиши керак табиий бир ҳолдек қабул қиламиз.

Аслида, тушунишимизча, ҳеч қайси одам “Оқдан” ҳам “оқ”, “қорадан” ҳам “қора” бўлиши мумкин эмас. Бу ғаройиб табиат йигитлар шундай бир даврда, муҳитда яшайдики, улардан, асосан, Абдулла Ҳакимга ҳаёт асло кулиб боқмайди, отасиз ўсди (Отасини бекорга қамаб йўқ қилиб юборадилар) кейин волидасидан ҳам айрилди (Омад кулиб боқмаган йигит).

Бутун умр кун кўриш учун қулдек ишлаб, очлик юпунликда, ғарибликда кечди. (Шу сабаб корчалонлар кўлига тушди.)

У – инсон шахси, эрки топталган, илоҳий, инсоний қадриятлар, имон – эътиқоди оёқости қилинган, халқимиз табиатига, руҳиятига бегона даҳрий еътиқод хуружи ҳаммаёқни тутган, даҳрийлик ғолиб келган замон фарзанди. Бундай шароитда у ўзининг виждоний эрки, шахсий бахти, муҳаббати учун курашмади, курашолмади.

Кўнгил қўйган қизи онасига маъқул тушмагани учун ундан ўзини тортди, айна пайтда қалбида айрим боқий инсоний туйғуларни сақлаб қолади- қатор яхши шеърлар ёзади.

Насриддин Афанди болалиги ҳақида жиддий асар яратди. Аммо уларни чиқариш учун ўзини ўтга-чўққа урмади, буни беъмани машғулот ўзи учун ор санади. У умрида бир марта мардлик, фидойилик кўрсатди, яқин одами – ҳақиқат, адолат йўлида курашаётган дўсти учун ҳаётини, жонини фидо этди. Аммо дўсти бу жасоратнинг қадрига етмади.

Шу тариқа Абдулла Ҳаким бу дунёда бир нави яшаб ўтди, баҳоли қудрат ўзгаларга яхшилик қилмоқчи бўлди.

Афсус тириклигида кадр топмади, уни қийнаб, ёвузларча ўлдиришди, руҳи сарсон-саргардон бўлди; ҳатто ўз номи қолиб, дўстининг номи билан қабрига кирди. Бу сюжет бизга Ақсад Мухторнинг “Чинор” романидаги Акбарали воқеасини ёдга солади. Бу дунёда кўргуликлар етмагандай лоқайдлиги, сусткашлиги, бу дунёда келиб одамдай яшаб ўтмагани, имон - эътиқодда собит турмагани учун аввал лаҳадда жазо олади, сўнг қиёматда.

Шоир бу “ҳақсизлик” лардан бошида ажабланди. Шунда фаришталар гуноҳини тўкиб соладилар.

“...Сен ҳаммани қаёқларгадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман, деб бақириб-чақиришни касб қилгандинг. Аммо, мен ўзим аслида кимман, инсон бўлиб нималарга эришдимунималарга эришмадим, деган гап баъзан ҳаёлингдан ҳам ўтмасди. Ҳолбуки, инсон учун ўз-ўзини билиш, ўзининг аҳволига тушуниб етиш энг юксак даражадир.(64-бет)”

2.2. Романдаги персонажлар индивидуаллиги

Дунёга машҳур “Фауст” асари муаллифи Гёте “Услуб –бу одам” деганда нақадар ҳақ эди. Дунёда бугунги кунда етти миллиарддан ортиқ инсон истиқомат қилса-да, ҳеч бирининг характер хусусияти, одат, фазилатлари бир-бирига ўхшамайди. Ҳатто эгизакларнинг ҳам бир-биридан фарқ қиларли томони бўлади.

Ташқи жиҳатидан бир томчидек ўхшаш эгизаклар, характери индивидуал яъни ҳар бирининг қалб гўзаллиги, одатлари ўзига хос.

Ёки бизга, оддий туйилган қор парчаларини олайлик.Осмондан миллион – миллион қор парчаси тушади, лекин уларнинг бир-бирига ўхшашларини қанча қидирманг топа олмайсиз.Бу ҳам табиатнинг мўжизаси.

“Минг бир қиёфа” романининг иккинчи ҳикояти “Олисдаги одам” Гулҳумор индивидуал характерга эга образ ҳисобланади.У асар қаҳрамони Садиржоннинг характери қирраларини очишга хизмат қилади.

Н.Погодиннинг уқтиришича,”агар одам бурнини қашиса ё қашимаса, секин ёки тез юрса шу билан характер бўла бермайди, характер-шахс иродасининг юзага чиқиши, ҳаракатда.”

Демак,характер, энг аввало,шахс иродаси, ўша ироданинг йўналиши, унинг юзага чиқиши ва ифодаланиши билан белгиланади (М.Қўшжонов). Садиржоннинг хулқ-атворини белгилайдиган индивидуал руҳий белгилари: мардлик, кўрқоқлик,меҳнацеварлик,ташаббускорлик, садоқатлилиқ кўринади.

У бу дунёда камдан-кам кишига насиб этадиган енг инжа туйғуни, муҳаббатнинг асирига айланган эди.

У Гулхуморни севарди “Гулхумор чиройли, ақлли, самимий эди. Садиржон бир кунлар, Гулхуморни эслаб, кўнглида ёқтирган бўлса ҳамки, уни яхши кўриб қоламан, деган гапни ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Энди кундан-кунга қизга нисбатан меҳри ошиб-тошиб, ўз ҳолатига ўзи ҳайрон бўлиб қолди. ”

Дарҳақиқат,инсон севги аталмиш туйғуга асир бўлгач, бу дунёга янада кўпроқ яшагиси ёрининг суҳбатига, дийдорига тўйгиси, келади. Унинг жисму жонида, фикрида севган инсони банд этиб олади. Айнан шунинг учун бўлса керак, ёрининг ҳар қандай камчилиги унга фазилат бўлиб кўринади ”севгининг кўзи кўр” нақли айнан шунинг учун бўлса ажабмас.

Садиржон оддий шифокор. У Гулхуморга шайдо. Гоҳ ишдан бўшаган пайтлари кўришиб ҳам туришади. Лекин бир куни “Мармардан тикланган тўққиз қаватли кошонанининг дабдурустдан ёқолганига шаҳардаги одамлар аҳамият беришмади!”

Дарвоқе, ростдан ҳам қизиқ ҳодиса .

Биринчидан, тўққиз қаватли бино бир кунда ном —нишонсиз,таг-туғи билан ғойиб бўлиши.

Иккинчидан, шаҳар марказидаги энг улкан бино ғойиб бўса-ю, бунга ҳеч ким эътибор бермаса?

Бино тўсатдан ғойиб бўлиши тўғри ёзувчининг ҳаёлий фантазияси ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлмаган воқеа. Лекин ёзувчи учун бу муҳим емас. Балки ўша воқеа қахрамон характери очиб беришда хизмат қилишида.

Шаҳар марказида тўққиз қаватли кошона “Тарих ва Маданият” деган ташкилот эди. Ташкилот Тарих ва Маданиятни гуллатиш шиори остида қадимий обидалар – масжид ва мадрасаларни бузиш, минг йиллик кўркам ҳовузларни кўмиб ташлаш, қабристонларни топташ, ота-боболардан қолган эски китобларни ёқиш билан шуғулланарди. Ташкилотдагилар, уларга эътироз билдирган ҳар қандай кишига, ишчи билан деҳқоннинг бунга алоқаси йўқ, ишчи билан деҳқон буни тушунмайди, деб гап уқтиришар эди. Айнан шунинг учун ҳам одамлар бу ташкилотни ёмон кўришарди.

“Шу куни кошонанинг йўқолганига ҳеч ким ҳаттоки пинагини ҳам бузмади!.. Қиёмат қойим бўлганидек, барча ўз-ўзи билан овора эканлигидан, одамлар сезмай қолишдими, шунчаки бепарволик қилишдими - айтиш қийин...”(70)

Бу шаҳарда ўша куни фақат биргина кишини кошонанинг йўқолгани даҳшатга солади. Шамол тўққиз қават иморат билан бирга, унинг юрагини ҳам юлиб кетгандек бўлади. Чунки бинода унинг севгилиси Гулҳумор бор эди. Бу ташвиш ҳеч кимни ўйлантирмайди. Фақат Садиржоннинг бу ишдан кўнгли хижил бўлади. Бу дунёда йигит ва қиз борки, ҳар бирининг ҳеч кимга ўхшамаган ўз муҳаббати тарихи бўлади. Гулҳумор билан Садиржон ҳам шу кунлар ажиб бир муҳаббат тарихини бошдан кечиришаётган эди!..

Гулҳумор – “калта сочлари қулоқлари устига тушиб турган , илк қарашда ўсмирларга ўхшаш, аммо юзи рангсиз, кўзлари эса мунгли ва чакноқ-йигирма беш ёшлардаги қиз эди. ” (73-) У Тарих ва Маданият ташкилотида ишлар, Садиржонни у ҳам ёқтирар эди.

Гулҳуморнинг йўқолиши Садиржонда руҳий ўзгаришларга олиб келади. Унда ҳаловат йўқолади. Севгилисини топиш йўлида ўзини ўтга ҳам чўққа ҳам уради. Унда мардлик, садоқат фазилатлари яққол намоён бўлади. У ўз

олдига қўйган мақсади – Гулхуморни топпиш йўлидаги ҳар қандай кийинчилиқни енгиб ўтади, унинг иродаси пўлатдек тобланади.

Садиржоннинг ички руҳиятини очиб беришда Гулхумор ҳадя этган шеърӣ дафтар ҳам муҳим восита ҳисобланади. У дафтардаги шеърларни қайта – қайта ўқиганда аксари унга ёд бўлиб кетади.

Лекин баъзи асарларда бўлгани каби икки ошиқ бир-бирини севса, йўқолганда изласа, демак улар асар охирида топишиб бахтли бўлишар деб ўйлаш мумкинди. Йўқ, асло ундай эмас. Асардаги баъзи бир образлар ёзувчи қаламига бўйсунмайди. Абдулла Қодирий Қумушнинг ўлимини истамагани каби.

Гулхумор вақт ўтиб, ўзи ишлаётган ташкилотга раҳбар бўлган вақтда Садиржон не машаққатлар билан уни топиб боради, лекин у ошиқ билан кетишни истамайди.

Гулхумор учун севгидан ҳам кўра пул, бойлик, обрў-эътибор муҳим эканлиги аёнлашади.

“– Қисқаси, мен билан кетмайсиз...-пичирлади Садиржон.

-Кетолмайман!.. Тўғриси, мен ҳам сизни яхши кўраман, Садир ака. Кўп кутдим. Ҳозир ҳам сиздан ажралгим кемапти... Лекин иш...

Садиржон ўйчан, маҳзун ҳолатда ўрнидан туриб, эшикка йўналди.

Остонага етганда, қайрилиб қаради.

Гулхумор столга энгашиб, қоғоз титкилашга тушган эди...” (122)

Хулоса қилиб айтганда, романдаги Гулхумор персонажи орқали адиб Садиржоннинг севги бобида неларга қодирлиги, унинг инсоний туйғулари, характер хусусиятини очиб беради.

У Гулхуморни излаш чоғида не-не машаққатлар орқали сабр-қаноатини, идроқини тоблаб боради. Гулхумор персонажини адибнинг бошқа романларидан топа олмайсиз. У чиройли, ишчан, балки ёрига вафоли ҳамдир. Лекин муҳит, давр шамоли унинг қалбидаги меҳр-муҳаббатни емиради, кўкларга учиради.

Адибнинг ўзига хос принци би инсонда ҳам ижобий ҳам салбий ҳислатлар мужассам деган қадим Шарқ фалсафасига содиқ қолган ҳолда, бу ҳислатларнинг Гулҳуморда ҳам мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Асар бошида севги тўла меҳрли нигоҳи, юриш-туриши унинг ижобий ҳислатларини бўрттириб кўрсатган бўлса, асар охирида қаҳри қаттиқ раҳбар сиймосида намоён бўлади. Демак, адиб танлаган йўл, тўғри чамамда. Омон Мухторни ўз сўзини айтиш бахтига сазовор бўлган адиб сифатида бемелол эътироф этишимиз мумкин.

III БОБ.

Омон Мухтор романларида услуб масаласи

Адабиётшунос олим, устозимиз У.Ўлжабоев: “Маънавий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида воқеанависликка асосланган асарлар билан китобхоннинг эҳтиёжини қондириш қийин бўлиб қолди ,”- деб ёзади “Замон талаби ва ижодкор маъсуллиги” китобида.

Дарҳақиқат, адабиёт бўстонида гул кўп, чаман кўп. Ҳар қайси гулнинг ўз ранги, ифори, бўй-басти бўлганидек, адабиёт оламида эрмак учун эмас, қаламнинг залворини ҳис қилган, сўз айтиш, айта олиш масъулиятини чуқур идрок этган ва ўзидан бир сўз айтиб қолдириш ниятида бу бўстонга қадам кўйган ҳар қандай ёзувчининг ўз услуби, ўз тили, севимли мавзулари ва фақат ўзигагина хос жиҳатлари мавжуд бўлади.

Француз табиатшуноси Бюффон Жорж-Луи-Леклеркнинг айтишича “Услуб – одам демакдир”.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ижодкорлар эркин ижод қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу даврда айниқса, жаҳон адабиётининг илғор анъаналарини миллий асарларга сингдириш кучайди. Ўзбек ёзувчилари ҳам жаҳоннинг илғор намуналаридан хабардор бўлишиб, бу тажрибаларни

ўзларининг асарларида қўллаша бошлашди. Омон Мухтор ҳам бу ўзгаришлардан четта қолгани йўқ. У ҳам ўзининг қатор асарларида адабиётимиз учун янгилик яратишда муҳим ҳиссасини қўшди.

“Ёзувчи қанчалик истеъдодли бўлса, унинг услуби ҳам шу қадар ёрқин намоён бўлади. Ўз услубига эга бўлган муаллифгина чинакам санъаткор ёзувчи бўла олади. Ҳар бир чолғу асбоби ўз “товуши”- оҳанги билан ансамблда жўр бўла олганидек, ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби-ўзига хос ижодий қиёфаси, ўз овози билан адабиётнинг умумий хазинасига ҳисса қўша олади.”(550)

Ҳақиқатдан ҳам, Омон Мухтор ҳақиқий истеъдод соҳиби. Унинг ўзига хос услубларидан бири унинг ҳар бир романида алоҳида шаклий изланишлар қилиши. У ўзининг ўндан ортиқ романини яратиш чоғида ҳар бир романида бир-бирига ўхшамаган шаклдан фойдаланади. Бу асарнинг қизиқарли бўлишига ҳамда китобхонни эътиборини тортишнинг ҳам бир усули бўлса ажаб эмас. Шаклий изланишларнинг ўзи том маънода катта бир илмий ишнинг мавзуси бўла олади.

Омон Мухтор романларини ўқир экансиз унинг фалсафага ўчлигини кўришимиз мумкин, айнан шунинг учун бўлса керак унинг кўпгина асарда ҳаёлий, фантастик тасвирлар, воқеалар учрайди. Мана, масалан, “Минг бир қиёфа”да ҳайдовчисиз бир машина асар қаҳрамонини ўғирлаб, корчалонлар кўзлаган манзилга етказиб боради.

Ёки “Тепаликдаги хароба”да эса Мирзо Ғолиб тўқайзордаги бир кулбада уч замонда яшаган Лутфий, Машраб ва Байроннинг мурдасини кўриб қолиши, ҳамда “Муҳаббат ўлимдан кучли” романида эса Иброҳимнинг сувга тушгач, сузиб олис бир давлатда филлар яшайдиган оролга тушиб қолиши бир қараганда ақл бовар қилмас ҳодиса. Лекин ёзувчи учун бу воқеаларнинг ростдан бўлганми йўқми, келажакда содир бўладими, йўқми бу муҳиммас. Энг муҳими, бу воқеаларнинг қаҳрамоннинг ички руҳиятини нечоғлик очиб беришида деб билади.

Услуб-ёзувчининг воқелик ва инсонни идрок қилиш, уларнинг қалбидаги ҳақиқатнинг кашф этиш ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиш-бу вазифаларни индивидуал ўзига хос тарзда яратиш санъатидир.(246)Ҳ.Умуров

Омон Мухторнинг романларида яна бир бошқа ижодкорлардан фарқ қиладиган жиҳати унинг асарларида халқ оғзаки ижоди намуналарини фаол қўллаши. Адабиёт бўстонида насрда Тоғай Муроднинг, шоирлардан эса сирдарёлик Ҳаёт Шодмоннинг асарларини халқ тилига яқинликни сезамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

“Қачонки кўргайсан менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб англагайсан ўзимни”, деб бежиз айтмаган эди.

Ёзувчи асарларида турли ривоят, афсона ва Насриддин афанди латифаларидан унумли фойдаланиб кетаверади. Ҳатто, ”Минг бир қиёфа” романининг учинчи бўлими ўша машҳур Афандига бағишланиб, ”Афандининг болалиги” деб номланади. Бунда барчамизга таниш, халқнинг сеvimли фарзандини ҳар доимги талқинлардан ўзгачароқ, жиддий тусда учратамиз.

Серқирра ижодкор насрда ҳам назмда ҳам бирдек ижод қилган. Унинг шоир табиати романларида яққол кўринади. Турли шеърларнинг кетма-кет берилиши, романларнинг худди дostonдек ўқилишига сабаб бўлади. Ҳамда эпиграфларнинг мумтоз адабиётимиз намуналаридан олиниши ёзувчимизнинг мумтоз адабиётимизнинг ҳақиқий билимдони эканлигини кўрсатди.

“Омон Мухтор асарларидаги ўзига хос тасвирий, фалсафий янгиланишлар адибнинг ўзига хос бадиий услубини ойдинлаштиради.” Ш.Дониёрова Ёшлик журнали 8-сон 2011

“Асарнинг жуда кўп фазилатларидан ташқари,сужетнинг,композицион қурилишнинг ўзига хослиги ва ҳақозо,яна бир хусусияти борки,бу ҳақда алоҳида айтиш лозим. Гап шундаки,асар биз ўрганиб қолган ва адабиётнинг

энг катта ютуғи,деб ҳисобланиб келган анъанавий усул,яъни социалистик реализм услубига тамомила зид,янги услуб асосида ёзилган. Бу асарда Маркес романларининг шабадаси яққол сезилиб туради. (О.Ёқубов ТТҚ 2-бет)”

3.1. “Муҳаббат ўлимдан кучли” романида услуб

Сўз шундай қудратли нарсаси,буни ҳаммадан ҳам кўра сўз санъкорлари – ижодкор шоир, ёзувчилар билишади. Муҳаммад Қўронов “Сўз ва унинг гоёвий тарихи” мақоласида сўзга шундай таъриф беради.

“Сўз одамни йиғлатади, кулдиради, рағбатлантиради, қаноатлантиради, севдиради, нафратлантиради, ётган одамни ўтқизади, ўтирганни турғзади, турганни бир томонга қараб юргизади.”

Сўз таърифига бежиз эътибор қаратмадик. Ватан,она ҳамда муҳаббат ҳақида ҳеч бўлмаганда бир сатр қоғоз қораламаган ижодкорни топиш қийин.

Ёзувчи Омон Мухторнинг сўнгги романларидан бири “Муҳаббат ўлимдан кучли”да азалий туйғу муҳаббат ҳақида янги сўз айтишга интилгани кўринади. Бу роман ёзувчи услуби,махоратини ўзида намоён этади.

Модернистик йўналишда ижод қилувчи носир сарлавҳа танлашда алоҳида эътибор берганини кўриш мумкин. Адиб романдан-романга ўсиб, янгиликлар қилиб, изланиб, ўз услубига эга бўлиб боришга ҳаракат қилди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, у ҳар бир асарида янгилик қилишга итилди, “Ффу” романига ривоят-роман, Майдон”га эса “роман-ҳангома” дея изоҳ бериб ўтган эди.

Ўзи қадимий лекин ҳар бир қалб янгилаб турувчи энг олий туйғу ҳақидаги асарига “Муҳаббат ўлимдан кучли” деб сарлавҳа қўяди ва унга изоҳ сифатида (Денгиз туби,сахро қаърида) қўшиб қўяди. Асар воқеаларига эътибор берсак, унда сахро ва денгиз тасвирлари, у билан боғлиқ ҳодисалар

мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ёзувчининг ниятини бизга янада ойдинлаштиради.

Энг аввало, роман шакли турфалиги бизга О.Мухторнинг услуби эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Муқаддимада ёзувчи бу асар ёзишга туртки бўлган воқеаларни эслаб ўтади. Ҳамда эпиграф қўллайди:

“Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
Истаюр ташқарида моҳни
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
Истаюр ичкарида Оллоҳни...”

Икром Отамурод қаламига мансуб шеър романнинг илк саҳифасиданок кўзингизга тушади. Сизни ўйлантириб, ўй суришга, мушоҳадага чорлайди ва маълум маънода романнинг воқеалар оламига сизни киришга тайёрлаб боради.

Бу асар тўртта қисмга бўлинади. Қисм номлари ҳам ўзига хос. Бундай шакил жихатдан мукамаллик қилишга интилиш ёзувчи ижодида асосий ўрин эгаллайди.

“Филлар ҳаёти”, “Най садоси”, “Инсон ва ҳайвон”, “Бегона ёмғир” каби тўртта қисм ва хотимадан иборат. Романда Марат бобо образини тасаввуф билан боғлиқ образ дея айтиш мумкин.

“Одатдаги одми кийган, устига кўмир чанг урган чойхоначиларга ўхшамаган, бошида фўта, еғнида оқ яктак, соқоли, қош-киприклари ҳам оппоқ, фариштадек қария самовар ёғнида куймаланар эди.

Иброҳим шунчаки яқинлашиб, салом берди.

-Сизни олдин кўрмаган эканман! – унга тикилиб деди чойхоначи.

-Минг йилдан буён келмаган эдим.

-Ҳалиям бекор келибсиз!

Иброҳим ажабланди.”(25)

Ҳар бир қисмда биттадан ўз қаҳрамони бор. Тўртта қисмда тўртта қаҳрамон. Бу асарнинг қаҳрамони аслида ким? Иброҳимми, Марат бобоми, Ҳасанми, Ҳусанми, Ворисми, Ғайрат Суръатми ёки Суръат Ғайратми буларнинг барчаси ўқувчининг ўзига ҳавола этиб қўяди ёзувчи. Китобхон қайси образни ёқтириб қолса, уни шу романнинг бош қаҳрамонини сифатида билади. Бу ҳам адибнинг ўзига хос услубидан бири. Чунки унинг “Минг бир қиёфа” романида ҳам уч қаҳрамон Абдулла Ҳаким, Садиржон ва Насриддин Афандини кўришимиз мумкин. Улар ҳам уч қисмнинг уч қаҳрамони, яхлит олганда бир романдаги уч қаҳрамон.

Омон Мухтор яна бу романда ўз услубига содиқ қолган ҳолда асар руҳига мос келган Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, янги даврдан айниқса Султон Жўра, яна Тошпўлат Ҳамид, Абдулла Орипов ҳатто ўзи ёзган айрим шеърӣ мисраларни келтириб ўтади. Бу эса романни дostonдек ўқилишига сабаб бўлади.

Ёзувчи мумтоз адабиётимиз билан биргаликда халқ оғзаки ижодининг билимдони сифатида ҳам кўриш мумкин. Филлар ҳёти билан боғлиқ ривоятнинг келтирилиши ҳам асарга ўзгача рух, жозиба бахш этган.

О.Мухтор инсон ҳаёлига келмаган воқеаларни келтириб ўтишни ёқтиради. Масалан, таъқибдан қочган Иброҳим ўзини сувга отади-ю, олис шаҳар соҳилида филлар маконида пайдо бўлиб қолади.

“У энди “эски оғайнилар”идан –

бало-қазодан қутулган эди. Шунинг учун ҳеч нарсадан ташвишланмаётган эди.

Осойишта эди. Таслим бўлмаганидан мамнун эди. Филлар ҳайикмади. Ётсирамади.”(34-35)

3.2. Ёзувчи романларида индивидуаллик масаласи

Ўзбек адабиётида модернистик асарлар пайдо бўлиб, ривож топганига жуда кўп вақт бўлгани йўқ. Шеърятда Рауф Парфи, насрда Омон Мухтор, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммадларнинг асарларида янгича йўналиш бўлган.

Модернизм йўналишидаги асарларнинг ўзига хос томони шундаки, бунда бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечилиб, кўпроқ инсонга хос кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, асар бадииятини янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Омон Мухтор романларида ҳам шакилӣ ўзгаришлар, топилма, янгиликларни кузатиш мумкин. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай деган эди.

“Мен, биринчидан шуни айтмоқчиманки, айримлар ўйлагандай, атайин шаклбозлик қилган эмасман, ундай ниятин ҳам йўқ. Мен онгли равишда шакл қидиряпман. Нима учун? Ахир, инсон кўчага чиққанда, чиройлироқ кийиниб чиқади-ку! Шундай эмасми? Кийимини дидсиз, жулдур қилиб берсангиз-да, бу асар гўзал деб тураверсангиз, бу ҳам бўлмайди. Шакллар, янги шакллар керак.”(424)

Адибни ўзбек адабиётида энг кўп ўн тўртта роман ижод қилган ижодкор сифатида айтиб ўтган эдик. Илк романлари: “Эгилган бош” ва “Йиллар шамоли” анъанавий йўналишда бўлса, кейинги романларида шакл, тимсоллар асосидаги чуқур фалсафийликка мойиллик сезилади.

Ёзувчи ўзининг илк романларидан бошлаб, шаклга эътибор бера бошлаган. Турли шакилӣ топилмалар, ижодкорнинг жаҳон адабиёти анъаналарини миллий адабиётимиз, хусусан романчилигимизда дадил қўллаши, янгилик қилишдан чўчимаслиги ёзувчи ижодига хос хусусият деб бемалол айтиш мумкин.

Энг аввало, шакилӣ изланишлар романларнинг ҳажмларида кўзга ташланади. Биламизки, анъанавий романларимиз, хусусан, Ойбекнинг “Навоий”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, М.М.Дўстнинг “Лолазор” романлари кенг ҳажмли. Лекин О.Мухтор шакилӣ изланишларни

асар ҳажмидан бошлайди. Унинг “Минг бир қиёфа” романи 152 бетни ташкил этса, ”Кўзгу олдидаги одам” 138 саҳифани ташкил этади.

Адиб романлари ҳажми қисқа бўлганидан қиссаларни эслатади. Баъзи адабиётшунослар бу ҳақда фикр билдирдилар.

“Омон Мухтор романларининг ҳажм жиҳатидан мухтасарлашиб бораётгани айрим адабиётшуносларда эътироз уйғотмоқда. Уларда классик романларга хос катта ҳажмнинг, анъанавий узвларнинг борган сари камайиб ёки йўқолиб бораётгани бундай эътирозларга сабаб бўляпти. Адиб асарларига нисбатан “Романми ёки рисола?” тарзидаги саволлар қўйилипти. Чунки кўп вақт давомида шаклланиб бўлиб, муайян мезон ва меъёрларга эга бўлаётган анъанавий роман билан ёнма-ён юзага келаётган “янги роман” ўз шакл-шамойили, бадиий шакллари, ифода тарси билан ажралиб, фарқланиб турибди, у ўзига янгича муносабатни, янги баҳо ва таърифларни талаб қилаётир.”(Ў назаров)

Аҳмад Отабой билан суҳбатда ёзувчи мухбирнинг “Нега романларингиз мавзу кўлами кенг, лекин ҳажман кичик?” саволигас қуйидагича жавоб берганди:

“Ёстикдай ” асарни ўқувчи ўқимайди. Менинг олдимда уч қаторда айтиш мумкин бўлган нарсани нега уч бет қилиш керак, деган масала туради. Мен учун оҳанг муҳим. Ҳар бир асарнинг оҳанги, ўз йўналиши бўлиши керак. Ўша топилган оҳанг қандайб етакласа, шундай ёзаманда. Шу нарсас асарнинг ҳажмини ҳам, якунини ҳам белгилаб беради.

Адибнинг қайси романини қўлга олсангиз унинг шакилӣ жиҳатдан турлилиги эътиборингизни тортади.

“Эгилган бош” романида биз илк изланишлар маҳсули сифатида “тўрт дафтар” шаклини кўрамиз. Унда бошқачароқ бўлган туш эпизодига мурожаат қилади. Биринчи дафтар битиклари “Воқеа”, ”Хотира ” тарзида баён этилади. Бундай услуб асар охиригача сақланади.

“Минг бир қиёфа” романида эса уч ҳикоят усулидан фойдаланиб, асарни учга бўлади: Биринчи ҳикоят тўрт манзара деб номланиб, улар яна тўртта алоҳида “Тутқун”, “Парвоз”, “Гўр азоби”, “Сўнгги кун” номли бўлимларга бўлинади ва унда Абдулла Ҳакимнинг ҳаёти ёритилса, иккинчи ҳикоят “Олисдаги одам ” деб номланиб, унда Садиржоннинг Гулхумор билан бўлган чигал тақдири жонли бўёқларда тасвирланади. Омон Мухторнинг бу асарда яна бир янгилиги халқимизнинг севимли қаҳрамони Насриддин Афанди образига ўзига хос ёндошгани бўлди. Учинчи ҳикоят “Афандининг болалиги” деб номланиб, ёзувчи барча унинг номини эшитганда лабига кулгу югурадиган қаҳрамонга жиддий ёндошади. Учинчин ҳикоятни ўқир экансиз ҳеч бир жойда кулмайсиз. Биз ўрганиб қолган Насриддинни тополмайсиз, балки у ҳақда жиддий ўйлашга мажбур бўласиз. Асар бир қараганда алоҳида-алоҳида уч қисмдан иборатдек туюлади. Лекин аслида ундай эмас. Ёзувчи бу дунёда энг азиз маҳлуқот инсон эканлиги, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамаслиги, ҳар бирининг қалби мураккаблигини очиб беришда ҳар учала қисм бир-бирини тўлдириб боради. Асарда яна Абдулла Ҳакимнинг шеърлари учала қисмда учрашини кузатиш мумкин. Бу эса роман бобларини алоҳида-алоҳида эмаслиги, маълум боғлиқлик мавжудлигини исботлайди.

Адиб бадиий юкнинг залворлилигини таъминлаш, асар моҳиятини очиш ва романнинг маъно мазмунига қўшимча бадиий юк ташиш учун ҳар бир ҳикоятга эпиграф қўлланади.

Биринчи ҳикоят тўрт манзара деб номланиб, унга:

“Остонамда тупроқ бўлдим, вале,

Демадингки, хоксорим қани?..”(Қўшиқдан)(11) қўлланилган бўлса,

Иккинчи ҳикоят “Олисдаги одам ”га эса:

“Вассалар терган билан

томинг сира ёпилмасин,”

Мен ёмон бўлсам агар,

ҳеч лойиғинг топилмасин...(Яна бир қўшиқдан)(69)

Учинчи ҳикоят “Афандининг болалиги”га
“Менинг кўнглим сен билан,
Сен кетасан ким билан!..”(Бошқа бир қўшиқдан)(123)

каби эпиграфлар қўлланилади. Буларга эътибор берсангиз уларнинг кўпчилигин халқ оғзаки ижодидан халқ қўшиқларидан олинганлиги, романларни ўқишли бўлишига замин яратади деб бемалол айтиш мумкин. Шунингдек, адиб эпиграф ўринларига ҳам алоҳида эътибор беради. Уларнинг ўринлари турлича, асар бошида, боб бошида, ҳатто ҳар бир қисмда учрайди.

Ёзувчининг услуби, умуман, унинг асарлари (айниқса романлари)га хос хусусиятшундаки, улар халқ оғзаки ижоди намуналарига ўхшайди. Романларда турли туш тасвирлари, ҳикоят, ривоятлар, ҳаттоки латифалардан ҳам кенг кўламда қўллайди. Бу эса ёзувчи асарларини халқ дostonларига яқинлаштирди.

Омон Мухтор ўз романларида шаклий изланишлар тараққиётига эътибор берганини кузатишимиз мумкин. ”Кўзгу олдидаги одам”да яна ҳам антиқа шакл: икки Давра, олти саҳифа ва кириш, хотимага эга. Боблар гоҳ сарлавҳалар билан, гоҳ оддий кетма-кет рақамлар билан белгиланиб кетаверади. Романни ўқиётган китобхон асар воқелигидаги ўзгачаликни шакл билан қориштириб юборади. Шакл ҳам мазмуннинг ҳан ўзига хослиги билан бир-бирини тўлдириб туради. У мунтазам сермахсул ижод қилди. Романчилик соҳасида қўллаган бир шаклни кейингиларида такрорламасликка ҳаракат қилди. У асардан асарга романнинг модернистик шаклларининг турли кўринишларини топди, қўллаб кўрди ва мукамаллик сари интилиб борди. Хусусан, ”Тепаликдаги хароба” романи шакли қисман драматик асарни эслатади.

Асарнинг бошида “Кириш” қисмида воқеа иштирокчилари тўғрисида қисқача маълумот берилади, ундан сўнг воқеанинг бошланиши, воқеа-ҳодисалар тўрт кўриниш ичида берилиб, воқеа охири сарлавҳаси остида якунига етади.

“Бу ертакми,афсонагами ўхшаган воқеа бир кунлар чиндан рўй берган; аммо қизиқ жойи, турли даврда яшаган ҳар хил тоифадаги кишилар иштирок этишган эди.

Воқеани ҳикоя қилишдан олдин улар билан юзакироқ бўлса-да,бир оз танишиб олишга тўғри келади.

1.Мирза Ғолиб.Ёши 30 га яқинлашган бу йигит минглаб одам кириб-чиқадиган бир идорада хизмат қилади. Болалиги Бухорода ўтган. Тарих,айниқса, Бухоро тарихи билан қизиқади. Уйланган, лекин ҳали фарзанд кўрмаган.”(300)

Мана шу тартибда адиб худди драматик асарда бўлгани каби хотини – Мастура, Мардонқул ака, Тенглаш ва Ҳакимжон, Лутфий, Бобораҳим Машраб, Жорж Гордон Байрон ва Исмоил ас-Сомонийни таништириб ўтади.

Ёзувчининг тарихий мавзуда ёзилган, буюк шоир Алишер Навоийга бағишланган “Ишқ аҳли” романида адиб “дафтар” шаклига мурожаат қилади.

“Навоий ва рассом Абулхайр” дилогиясининг иккинчи романи “Буюк фаррош” асарида эса адиб ўзбек адабиётида синалган шакл эсдаликлардан фойдаланади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов “Кўҳна дунё” романида Абу Убайд ал Жузжоний хотираларидан фойдаланган. Яъни,воқеалар баёни гоҳ ёзувчи, гоҳ Жузжоний хотираларидан баён қилинади.Ёзувчи ушбу шаклни давом эттириб тарихий романида воқеаларни рассом Абулхайрнинг эсдаликлари орқали баён этилади.

О.Мухтор истеъдодли адиб. У нафақат насрда балки назмда ҳам бирдек ижод қилган ижодкор саналади.

Роман ҳажм жиҳатидан кенг салмоқли, йирик планли жанр. Аммо ёзувчи ўз романларининг қисқа ҳажмда бўлишига қарамай, уларда шеърый парчаларни келтириб ўтишдан чарчамайди, чўчимайди.

Адибнинг деярли барча романда шеърый парчаларни учратишимиз табиий ҳол. Чунки адиб мумтоз адабиётимизнинг юксак билимдони, халқ оғзаки ижодидан ҳам йетарлича билимга ега.Ва яна асосий сабаблардан бири ўзи

ҳам шоир эканлигини ҳисобга олсак, романлардаги бу ҳолат бизга ажабланарли туюлмайди. Романларда кетма-кет келган шеърлар меъдангизга тегмайди, асар руҳидан келиб чиқиб, мазза қилиб ўқилади. Гоҳида роман ўқиётганингиз ҳам ёдингиздан чиқиб қолади. Гоҳида имло қоидаларига амал қилмай сўзнинг барча ҳарфларини бош ҳарфда беради, гоҳида эса Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтгандек, “синик мозаика” усулини қўллайди. Бу эса кам ҳажмда ҳам кўп нарса айта олиш имкониятини беради.

Хулоса

Бугунги кунда ўзбек насрида ўз ўрнида эга бўлган модернистик йўналишда ижод қилувчи, моҳир романнавис Омон Мухтор ўзининг сермахсул ижоди, асарлари билан ўзбек адабиёти насри ижод фондини бойитиб келмоқда. Демак тадқиқотимизга умумий бир хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, замонавий ўзбек романчилигида модернистик ёзувчи Омон Мухторнинг романлари алоҳида мавқеда туриши, мавзу жиҳатидан ҳам, ғоя жиҳатидан ва, албатта, шакилий жиҳатдан ҳам ранг-баранглиги, ўзига хос услуб ва маҳорати, образларнинг янгича талқинда бериши билан ажралиб туради.

Адабиётшунослик ва унинг тадрижида ижодкорнинг бадиий маҳорати масаласи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ёзувчи услуби ва бадиий маҳорати масаласига бағишланган том маънодаги йирик илмий тадқиқотлар яратиш бугунги кунимизда долзарб аҳамиятга эга. Чунки бусиз миллий бадиий-эстетик тафаккурни бойитиб, янгилаб, ривожлантириб

бўлмайди. Бунда, айниқса, ҳаётни бадиий ёрқин тасвирлаш, бетакрор образлар яратиш, миллий адабиётимиз хазинасини янги барҳаёт образлар билан бойитишга муваффақ бўлган ёзувчилар ижодини тадқиқ этиш беқиёс ўрин тутди. Шу маънода бугунги ўзбек модернистик насрининг етакчи, йирик вакили Омон Мухтор романларини ўрганиш, ёзувчининг ўзига хос услуби ва бадиий маҳоратини тадқиқ этиш лозимлиги кўринади.

“Кўплаб ўзга адабий жанрлардан фарқли равишда романнинг мавзу чегарасини белгилаш деярли мумкин эмас. Роман ҳамма нарса ҳақида ва ҳар қандай ҳажмда бўлиши мумкин. Уни тарозида тортиб ёхуд босма тобок билан чегаралаб бўлмайди.”Романдан катта ҳикоялар” (Шукур Холмиров) бўлгани сингари новелладан кичик романлар ҳам бўлади.Қаҳрамон ёхуд муаллиф шахсияти қирраларининг нечоғлиқ тўлиқ очилганлиги романнинг романлигини ўлчайдиган биргина мезон,жанрнинг муваффақиятини белгилайдиган ягона омилдир.”(Қ.Й 70)

Омон Мухторнинг “Майдон” ва “Афлотун” умуман олганда деярли барча романлари талқин услуби, воқелик талқини ечими билан бир-биридан фарқ қилса-да,талқинга жалб этилган манба ва муаммони романлар ғоясига сингдириб юбориш жиҳатидан ўзаро муштарак.

“Кўзгу олдидаги одам”, ”Афлотун”, ”Ффу” романларида фалсафий мушоҳада, “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба ”да психологик таҳлилнинг етакчилик қилиши ва абсурд ғоялар бугунги кун мисолида очиб берилиши романчилигимизда ноанъанавий услубларнинг юзага келишида биз яшаётган воқелик ҳам алоҳида ўрин тутишини кўрсатади.

“Ҳар қандай асар китобхон учун ёзилади. Китобхони кўп мамлакат бахтли,китобхони йўқ мамлакат бахтсиздир”-, деган еди ёзувчи Омон Мухтор ҳақли равишда.

Техника асри тобора ривожланиб бораётган XXI асрнинг ўн йиллигида яшаётган эканмиз, интернет, электрон китоб деган тушунчалар энди бизга янгилик бўлмай қолди. Мунаққид Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан

айтганда, китобхон сони кескин камайди, лекин энг саралари хос кишилари қолди. Биз юқоридаги кўрилган масалалар юзасидан қуйидаги якуний хулосаларимизни чиқарамиз:

Демак, бизнингча Омон Мухтор ижоди, унинг романи, адибнинг романнавислик маҳорати, яратган образлари ҳаққоний тасвирларда бериши билан бирга камчилик ва хатоларига қарамай, том маънода бир инсоннинг ўзида мавжуд бўлган ҳам ижобий ҳам салбий ҳислатларни талқин этиб, ёритиб беради. Шундай моҳият –эътибори билан китобхонлар қалбидан жой олиб, ўзига хос сифатлари орқали алоҳида ажралиб туради, деб айта оламиз . Омон Мухтор инсоннинг кўпроқ ички оламига эътибор беришда кўринади. Бунинг учун эса ўзида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланади. ажойиб-Ғаройиб воқеалар, турли афсона ва ривоятлар, мумтоз, замонавий адабиётдан шеърий парчаларнинг келиши фикримизнинг яққол исботидир.

- Адиб романларининг сони ўндан ортиқни ташкил этади. Бу фақат роман жанридаги асарлар сони. Демак, у мустақиллик давридаги энг сермахсул ижодкор сифатида эътироф этиш жоиз. Тўғри, ҳар қандай ёзувчининг истеъдоди унинг қанча асар ёзгани-ю, қанча ижод қилгани билан эмас, бадиий тафаккурга қандай ўзгаришлар олиб кириб, адабий жараёнга қандай таъсир ўтказгани билан белгиланади. Омон Мухтор адабий жараён фаолларидан еди. Унинг “Майдон” ва “Хотин подшоҳ” асарларини адибнинг энг сара, энг пишиқ романлари деб эътироф этиш мумкин.

- Омон Мухтор тажрибалар қилиш, айниқса, шаклий изланишлари ёзувчининг яна бир ўзига хос услубини белгилайди. У ўн тўрт романида ҳам шаклий изланишлар қилиши, шакл орқали мазмуннинг уйғунлигига еришиши кузатилади.

- Кутилмаган тасвир йўсинлари, бадиий ифоданинг тутилмаган, янги воситалардан фойдаланиш адиб романларининг етакчи хусусияти эканлиги кўринади.

-Сўз санъаткорининг барча романларида азалий туйғу муҳаббат мавзусига мурожаат этади.

- Асарларида ғаройиб воқеа-ҳодисалар, инсон ишониши қийин, фақат тасаввур эта оладиган, тафаккур маҳсули бўлган ҳодисаларнинг келиши табиий ҳол. Бу “Минг бир қиёфа”, “Тепаликдаги хароба” ва “Муҳаббат ўлимдан кучли” асарларида учрайди.

- Романларда халқ оғзаки ижоди намуналари: Насридди Афанди латифалари, ривоят, афсоналардан жуда кўп ўринларда фойдаланилади.

-Романларнинг ҳажм жиҳатидан қисқалиги билан мини романларга яқинлашади. (Анъанавий қиссалардан кичикроқ, ҳикоялардан каттароқ)

- Инсоннинг ички оламида ўзгаришларни кўпроқ воқеа-ҳодисалар асосида, бадий тафаккур, ички “онг оқими” ёрдамида тасвирлаш устунлиги.

-Ёзувчининг фалсафий мушоҳадага ўчлиги.

-Романда қаламга олинган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш даври ниҳоятда катталиги, хронотопнинг, макон ва замоннинг жуда ҳам кенглиги.

-Романларда наср на насрнинг уйғунлашиб кетганлиги, унинг ҳис-туйғулари, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, ўй-ҳаёллари лиризм билан суғорилганини кўрамыз.

-Адиб романларининг деярли барчасида, баъзиларининг ҳар бир қисм, бобида ҳам асар ғоясини теран англаш, ёзувчи ниятини тўлақонли очиш, ифодалаш учун эпиграф қўлланиши, уларнинг асосий қисми мумтоз адабиётимизнинг нодир дурдоналари ташкил этиши, адибнинг мумтоз адабиётимиз билимдони эканлиги намоён бўлади.

-Адиб романларида сўзларнинг синиқ мозаика тарзида бериши, яъни асардаги сўзларнинг бўғинларга ажратиб бериши, ҳамда маълум сўзларни имло қоидаларига зид бўлса-да ўқувчини ўйлантириш, адиб келтираётган сўзга эътиборни тортиш учун кўп сўзларни барча товушларини катта ҳарфда бериш табиий ҳол эканлигини кўришимиз мумкин.

-Омон Мухторни Ойбекдан сўнг буюк даҳо ижодкор Навоийнинг тўлақонли сиймосини яратган моҳир романнавис сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда ,Омон мухтор умри давомида яратган 10 дан ортиқ романлари орқали доим шаклий изланишлар олиб боради. Бир хил шаклда қотиб қолмай, доим изланишдан, янгилик яратишдан чўчимай ижод қилди. Айнан шунинг учун бўлса керак, Омон Мухтор деганда ўзбек адабиётида модернистик йўналишдаги қисқа ҳажмга эга, шаклан ранг-баранг, фалсафий фикрлар жамланган романнавис ёзувчини кўз олдимизга келтирамиз.

Ҳар қандай машҳур ёзувчи роман ёзиши мумкин,аммо янгилик яратиш,жанр тараққиёти,ривож учун маълум даражада ҳисса қўшиш ҳаммага ҳам насиб қилмаслиги мумкин.Лекин Омон Мухтор ўзининг асарлари билан романчилик ривожига ўз ҳиссасини қўшди, дея бемалол айта ола

Омон Мухтор ижоди хусусан, унинг романнавислик маҳорати адабиётшунослик илмида ўрганилмаган, ўрганилишини кутиб ётган мавзу сифатида кўришимиз мумкин. Келажакда Омон Мухтор романнавислик маҳорати мавзусида катта илмий иш қилинишига ишонч билдириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т., «Маънавият» нашриёти, 2008 й, - 176 б.
2. Асрор Самад. Ўткир қалам. – Т., MERIYUS, 2013. - 364 б.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т., «Ўзбекистон» нашрийти, 2002, -558 б.
4. Белинский В.Т. Мақолалар. Т., Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948, - 310 б.
5. И.Ғофуров. Жозиба. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, - 200 б.
6. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., Ўқитувчи, 1980, -408 б.
7. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1999., - 545 б.

8. Мамажонов С. Услуб жилолари. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, -220 б.
9. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, -Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1979, -366 б.
10. Н.Шукуров ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1979, -230 б.
11. Норматов У Етуклик. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, -366 б.
12. Озод Шарафиддинов Биринчи мўжиза. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, -46 б.
13. Озод Шарафиддинов. Сардафтар саҳифалари. – Т., Ёзувчи, 1999. 204-б.
14. А.Расулов. Ардоқли адиб. – Т., Шарқ, 2001.- 128 б.
15. С. Мирзаев. XX аср ўзбек адабиёти, -Т., Янги аср авлоди, 2005. -418 б.
16. Ў.Ҳошимов. Сайланма. 2 жилдлик 1-жилд, -Т., «Шарқ» нашриёти. 1993, -669 б.
17. Ў.Ҳошимов Ўзбеклар. –Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодиёт уйи, 2007, -256 б.
18. Ўлжабоев У. “Хотирада чизилган излар”. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1992. - 198 б.
19. Ўлжабоев У. Замон талби ва ижодкор масъуллиги. - Т., Ўзбекистон, 2012.- 375 б.
20. Ҳ. Умиров. Адабиёт назарияси. –Т., Шарқ, 2002. -256 б.

21. Шермухаммедов П. Истикболни ўйлаб, -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, -176 б.
22. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. -Т., «ЎАЖБНТ» нашриёти, 2003, -361 б.
23. [www literature uz.](http://www.literature.uz)
- 2.Қ.Йўлдошев.Ёниқ сўз. Янги аср авлоди. -Т.:2006.
- 3.Абу Тоҳирхўжа ва бошқ.”Мерос”туркуми.-Т.:1991
- 4.У.Ўлжабойев.Замон талаби ва ижодкор масъуллиги.-Т.:2012
- 5.Д.Қуронов. З.Мамажонов. М.Шералиева. “Адабиётшунослик луғати”.-Т.:2013
- 6.И.Султон. “Адабиёт назарияси”.-Т.:1980
- 7.Ҳ.Умуров.”Адабиётшунослик назарияси”-Т.:2004
- 8.Т.Бобойев.”Адабиётшунослик асослари”-Т.:2002
- 9.Омон Мухтор “Хотин подшоҳ”-Т.: ”Шарқ”, 2010
- 10.Омон Мухтор “Минг бир қиёфа” -Т.: ”Шарқ”, 1994
- 11.Омон Мухтор “Афлотун” -Т.: “Маънавият”, 1998
- 12.Омон Мухтор “Аёллар мамлакати ва салтанати” -Т.: ”Шарқ”, 1997
- 13.Омон Мухтор “Муҳаббат ўлимдан кучли” -Т.:2012
- 14.Омон Мухтор “Тўрт томон қибла” -Т.: ”Шарқ”, 2000
- 15.Омон Мухтор “Ўлмаган жон” -Т.: Адолат, 1995
- 16.Омон Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр” -Т.: ”Шарқ”, 2006

Интернет манбалари

www.ziyouz.com

www.natlib.uz

www.adabiyot.uz

www.ref.uz

www.kitob.uz

